



5

2021

MAY

ISSN 2616-0665

VETERINARIYA MEDITSINASI



TIBBIYOT INSONNI,
VETERINARIYA INSONIYATNI ASRAYDI!

– 9 май – Хотира ва қадрлаш куни бу дунёдан утиб кетган яқинларимизни, устозларни, чорваю ветеринария соҳаси билимдонларини зиёрат қилдик. Уларнинг ҳақиқа Қуръону карим оятларидан тиловат қилдик. Бу галги 9 май Рамазон ойига туғри келгани учун ҳам зиёратгоҳларда одам кўп бўлди. Боболару момолар дуога кўл очдилар, осмонимиз тинч, юртбошимизнинг умрлари узоқ бўлсин, она ватанимиз гуллаб яшнасин, дёя тиловатлар қилишди. Илоҳим шундай бўлсин. Ахир тинчлик, тотувлик бўлсагина туқинлик таъминланади, байрамлар татийди, сизу бизнинг ютуқларимиз кўпаяди. Чорванинг баракаси ҳам ана шунда кўзга ташланади. – дейди паркентлик шижоатли фермер Мавлонхўжа Ходжиев тажрибали ветврач-олим Хожиакбар Отабоев ва “Бахт” фермер хўжалиги қошидаги сутни қайта ишлаш цехи бошлиғи, ветврач Абдурашид Ходжиевлар билан суҳбатлашаркан.



Таҳрир ҳайъати:

Ж.Азимов – ЎзР ФА академиги
 А.И.Ятусевич – РФА академиги
 Э.Д.Джавадов – РФА академиги
 Я.А.Юлдашбаев – РФА академиги
 Д.А.Девришов – РФА мухбир аъзоси
 Б.Норқобилов – *Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси*
 Х. Юнусов – СамВМИ ректори,
 б.ф.д., профессор
 А.Орипов – профессор
 Ҳ.Салимов – профессор
 Б.Салимов – профессор
 А.Даминов – профессор
 Р.Давлатов – профессор
 Қ.Норбоев – профессор
 Б.Б.Бакиров – профессор
 Н.Дилмуродов – профессор
 Ш.Джаббаров – в.ф.д.
 Б.Элмуродов – в.ф.д.
 Н.Йўлдошев – в.ф.д.
 Х.Ниёзов – в.ф.д.
 Б.Нарзиев – в.ф.н., доцент
 Х.Бозоров – в.ф.н., доцент
 Р.Рўзикулов – в.ф.н., доцент
 А.А.Белко – ВДВМА доценти
 Д.Н.Федотов – ВДВМА доценти

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:

Абдунаби АЛИҚУЛОВ

Муҳаррир:

Дилшод Юлдашев

Дизайнер:

Хусан САФАРАЛИЕВ

Лойиҳа ташаббускори ва раҳбари:

Ўзбекистон Республикаси
 Ветеринария ва чорвачилиқни
 ривожлантириш давлат қўмитаси
 Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси
 Ветеринария ва чорвачилиқни
 ривожлантириш давлат қўмитаси,
 “AGROZOOVETSERVIS”
 масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
 агентлигида 2018 йил 2 февралда
 0284-рақам билан рўйхатга олинган

Журнал 2007 йил сентябрдан
 чоп этилмоқда

Манзил: 100070, Тошкент шаҳри,
 Усмон Носир, 22.

Таҳририят манзили: 100022, Тошкент
 шаҳри, Қушбеги кўчаси, 22-уй
 Тел.: 99 307-01-68,

Фақат телеграмм учун ☎ 97 770-22-35.

E-mail: zooveterinariya@mail.ru

Адади 4030.

Нашр индекси: 1162

Босишга рухсат этилди: 24.05.2021.

Бичими 60x84¹/₈. Офсет усулида чоп
 этилди. 4,25 б.т. Буюртма № .

Баҳоси келишилган нархда.

© Veterinariya meditsinasi, #05 (162) 2021

“ALDIN GROUP” МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

Олмазор кўчаси, 1-уй.

Бугуннинг гапи

Кўмита кубоги: Ғолиблар аниқланди..... 3
 Мутахассисларга махсус автотранспортлар топширилди..... 3

ХЭБ анжумани

Халқаро эътироф..... 4

Ташаббускорлик

А. Аликулов – Ўтаётган ҳар бир кун масъулиятли..... 5

Долзарб мавзу

А.О.Орипов, Н.Э.Юлдашов, Ш.А.Джаббаров – Илм-фан ва
 амалиёт: интеграция талаби..... 10

Юқумли касалликлар

А.И.Амиров, У.Т.Махсудов, М.Х.Муратова – Қорамолларда
 оксил касаллиги 14

Юқумсиз касалликлар

М.П.Кучинский, И.И.Кузьминский, Е.А.Степановас,
 С.Оккиев – Резистентность возбудителей мастита коров к
 антибиотикам и способы повышения противомикробной
 терапии..... 18

Жаррохлик

Б.Д. Нарзиев, Ж.Б. Юлчиев, А.Б. Ходжаев – Техника
 овариогистерэктомии у собак..... 22

Акушерлик ва гинекология

В.М.Eshburiyev, В.С.Алимов, F.Ro‘ziqulov – Mahsuldor sigirlar
 reproduktiv xususiyatlarini stimullashning zamonaviy usullari 23

Анатомия

А.С. Даминов, Н.Б. Дилмуродов, Б.А. Кулиев, С.М. Ахмедов,
 К.Ш. Акрамов – Қуёнлар эймериозиди патоморфологик
 ўзгаришлар..... 25
 Н. Б. Дилмуродов, Ш.З. Дониёров – Бройлер жўжалар сон
 суяги таркибидаги кул ва умумий органик моддалар микдорининг
 постнатал онтогенезда ўзгариши 27

Фармакология

Р.Ф. Рўзикулов, З.Т.Абдурахмонова – Бўймодарон (Achillea
 millifolium) ўсимлиги қайнатмаси ёки кукунининг
 саноатлашган паррандачиликда умумий антиинфекцион
 резистентликни ошириш хусусиятлари 30

Анатомия ва патаанатомия

Э.А.Мухторов – Ҳисори зотли қўйлар постнатал онтогенезида
 мускулнинг айрим кимёвий кўрсаткичлари 33

Хотира

Таҳририят – Аччиқ сўзли, аммо адолатли олим эди..... 36

Табрик

Б.Шерназаров – Шогирдларига ўрнак инсон 36
 У.Пирназаров – Толиб Пардаевич 60 ёшда 36

Editorial board:

J.Azimov – academic
A.I.Yatusevich – academic RAN
E.Dj.Djavodov – academic RAN
Y.A.Yuldashbayev – academic RAN
D.A.Devrshov – correspondent RAN
B.Norqobilov – State Committee of
Veterinary and Livestock
development of the
Republic of Uzbekistan
X. Yunusov – doctor of biology, professor
A.Oripov – professor
X.Salimov – professor
B.Salimov – professor
A.Daminov – professor
R.Davlatov – professor
Q.Norboev – professor
B.B.Bakirov – professor
N.Dilmurodov – professor
Sh.Djabbarov – doctor of veterinary
B.Elmuradov – doctor of veterinary
N.Yuldoshev – doctor of veterinary
X.Niyozov – doctor of veterinary
B.Narziev – doctor of veterinary
X.Bozorov – doctor of veterinary
R.Ruzikulov – doctor of veterinary
A.A.Belko – dotsent VDVMA
D.N.Fedotov – dotsent VDVMA

Acting Chief Editor:

Abdunabi ALIKULOV

Editors:

Dilshod YOLDOSHEV

Designer:

Husan SAFARALIYEV

Published since September 2007

Initiator and leader of the project:

State Committee of Veterinary and
Livestock development of the Republic of
Uzbekistan

Founders:

State Committee of Veterinary and Live-
stock development of the
Republic of Uzbekistan,
“AGROZOOVETSERVIS” Co., Ltd.

**Registered in Uzbekistan Press and
News agency by 0284**

Address: 22, Usmon Nosir, Tashkent,
100070. Editorial address: 4,
Kushbegi, 22
Tashkent, 100022
Tel.: 99 307-01-68,
97 770-22-35

Web-site: www.vetjurnal.uz

E-mail: zooveterinariya@mail.ru

circulation: 4030

Index: 1162

Permitted for print: 24.05.2021. Format
60x84 1/8. Printed by Offset printing 4,25
press works Order #414 Free price.

© “Veterinariya meditsinasi”, #05 (162) 2021

Printed by “ALDIN GROUP”
Co., Ltd., Tashkent city. 1, Olmazor str.

Speech of the day

Committee Cup: Winners have been determined.....3
Specialists were provided with special vehicles3

IEBconference

International recognition.....4

Entrepreneurship

A. Alikulov - Every passing day is responsible.....5

Challenging theme

A.O.Oripov, N.E.Yuldashov, Sh.A.Djabbarov – Science and practice:
the need for integration 10

Contagious diseases

A.I.Amirov, U.T.Makhsudov, M.H.Muratova – Protein disease
in cattle..... 14

Non-contagious diseases

**M.P.Kuchinskiy, I.I.Kuzminskiy, E.A.Stepanovas,
S.Okkiev** – Antibiotic resistance of bovine mastitis pathogens and ways
to increase antimicrobial therapy 18

Surgery

B.D.Narziev, J. B.Yulchiev, A.B.Khodjaev – Technique of
ovariohysterectomy in dogs22

Obstetrics and gynecology

B.M.Eshburiyev, B.S.Alimov, F.Ruzikulov – Modern methods
of stimulating the reproductive properties of productive cows23

Anatomy

**A.S.Daminov, N.B.Dilmurodov, B.A.Kuliev, S.M.Axmedov, K.Sh.
Akramov** – Pathomorphological changes in rabbit eimeriosis25
N.B.Dilmurodov, Sh.Z.Doniyorov – Changes in the amount of as
hand total organic matter off emoral bone in postnatalontogeny
of broiler chickens.....27

Pharmacology

R.F.Ruzikulov, Z.T.Abdurahmanova – Features of increasing general
anti-infective resistance of decoction or powder of Achilleamillifoliumin
industrialized poultry30

Anatomy and pathoanatomy

E.A.Mukhtorov – Some chemical parameters of muscle in postnatal
ontogenesis of Hissarsheep33

Memory

Editor – He was severe but fair scholar36

Congratulations

B.Shernazarov – He was a good person.....36
U.Pirnazarov – Talib Pardaevich is 60 years old.....36

ҚЎМИТА КУБОГИ: ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар ходимлари ўртасида уч кун давомида бўлиб ўтган мини футбол мусобақалари ўз нихоясига етди.

Мурасасиз баҳсларга бой кечган мазкур турнир барча иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Беллашувлар якуни бўйича куйидаги натижалар қайд қилинди:

I ўрин – Бухоро вилояти жамоаси;

II ўрин – Наманган вилояти жамоаси;

III ўрин – Жиззах вилояти жамоасига насиб қилди.



Шунингдек, мусобақада фаол иштирок этган Бухоро вилояти жамоаси футболчиси Хўжамурод Фаттоев “Турнирнинг энг яхши ўйинчиси” номинациясини қўлга киритган бўлса, Қашқадарё вилояти жамоаси дарвозабони Ислон Қодиров “Турнирнинг энг яхши дарвозабони” номинацияларига лойиқ деб топилди ва қўмита раиси томонидан махсус совғалар билан тақдирланди.

МУТАХАССИСЛАРГА МАХСУС АВТОТРАНСПОРТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 сентябрдаги “Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт ассоциацияси иштирокида “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик секторини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик секторини ривожлантириш” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Лойиҳа доирасида мамлакатимизда ветеринария хизматини ривожлантириш учун Жаҳон банкининг 2,0 млн. АҚШ доллари ва Европа иттифоқининг 2,0 млн. АҚШ доллари гранд маблағлари ажратилган.

Мазкур гранд маблағлари ҳисобидан Халқаро эпизоотик бюронинг консультантлари билан ҳамкорликда ветеринария хизматини халқаро стандартларга мослаштириш учун зарур асбоб-ускуналар, замонавий технологиялар ва хизмат турлари ҳамда уларни харид қилиш учун талаб этиладиган инвестициялар, Халқаро молия ташкилотларининг кредит ва грант маблағлари миқдори ва қиймати бўйича ҳисоботи (ГАП анализ) тайёрланди.

Шунингдек, ушбу грант доирасида ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликлари келиб чиқиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида ветеринария назорати остидаги объектларни дезинфекция ва дезинсекция қилувчи 14 дона махсус автотранспорт (ДУК) воситалари харид қилиниб, Қорақалпоғистон республикаси ва вилоятларга тарқатилди.

Бундан ташқари, шу йил охирига қадар 6 дона кўчма ветеринария лабораториялари етказиб берилиши режалаштирилган.



Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ахборот хизмати

ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

Бутунжаҳон ҳайвонлар соғлиғини ҳимоя қилиш ташкилотининг Европа минтақавий комиссияси янги таркиби учун бўлиб ўтган сайловларда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси ўринбосари – ХЭБ делегати Абдор Акбаров номзоди илгари сурилиб, 69 фоиз овоз берилди.

Бугун бутун дунёда COVID-19 туфайли юзага келган мураккаб эпидемик вазият туфайли Бутунжаҳон ҳайвонлар соғлиғини ҳимоя қилиш ташкилоти (Халқаро Эпизоотик Бюро-ХЭБ) ассамблеясининг 88-бош сессияси ўз ишини онлайн тарзда бошлади. Унда Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси ўринбосари – ХЭБ делегати Абдор Акбаров раҳбарлигида қўмита вакиллари иштирок этмоқда.

Тадбирнинг биринчи кунда ХЭБ Европа минтақавий комиссиясининг онлайн тарздаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда 2021 йил илк марта онлайн форматда ўтказилаётган ХЭБ 88-бош сессияси ва унинг доирасида бўлиб ўтиши кўзда тутилаётган тадбирлар хусусида сўз борди.

Хусусан, 88-бош сессияда илгари сурилаётган, ХЭБ кодекслари бўйича Европа минтақавий комиссиясининг 53 та аъзо давлатлари умумий позицияси бўйича фикр алмашилди.

Эътиборлиси шундаки, қўмита раиси ўринбосари, ХЭБ делегати А.Аkbаров номзоди Европа минтақавий комиссияси янги таркиби учун бирламчи сайловларда илгари сурилди ва 69 фоиз овоз билан аъзо мамлакатлар томонидан маъқулланди.

Минтақавий комиссия асосий гуруҳи ХЭБ стандартларини қабул қилишда минтақани қизиқтирган саволлар борасида умумий позицияни ишлаб чиқади ва жараёнда минтақавий иштирокни яхшилашга интилади. ХЭБ делегатлари Бутунжаҳон ассамблеялари пайтида уларни қабул қилишга Европанинг 53 аъзо давлатлари номидан таклиф киритади.

Ўзбекистон вакиллариининг аъзолиги минтақа миқёсида амалга оширилаётган соҳага оид сиёсатда янада фаол иштирок этишда имкон яратади.

Шу жумладан аъзолик Ўзбекистоннинг соҳага оид миллий манфаатларини, муаммоли масалалар ва долзарб мавзуларни минтақа миқёсида акс эттирилиши ва ҳал этилишида муҳим аҳамият касб этади.



SARS-CoV-2 ҳайвонларда (2020 - 25 январь 2021)



Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш
давлат қўмитаси ахборот хизмати

ЎТАЁТГАН ҲАР БИР КУН МАСЪУЛИЯТЛИ

Кейинги йилларда республикаимизнинг ветеринария ва чорвачилик тизимида юз бераётган ўзгаришлар, моддий-техник таъминотнинг яхшиланиб бораётгани кўпчиликни мамнун қилмоқда. Янги ветеринария клиникалари, дорихоналар, хусусий ветеринария хизматлари иш бошламоқда.

Илгари туманлардаги энг кўримсиз, таъмирга мухтож қиёфага тушган иморат қайси идораники дейишса, ҳеч иккиланмай ветеринария бўлими-да, дейишарди. Бугун аксарият туманларда (Президентимиз айтганидек, туман ҳокимининг камбағалликни камайитиришда чорваю ветеринариянинг нечоғлик муҳим эканлигини англай олишига ҳам боғлиқ-да) пул йўқ, маблағ етишмаяпти, деган баҳоналарга ўрин қолдирмасдан, туман ҳокими ҳам депутатлар ҳам ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимига таъмирлашу жиҳозлаш учун маблағ ажратайлик, дейишмоқда. Ҳамма гап ана шу берилган маблағдан тежамкорлик билан самарали фойдалана олишда. Масалан, пандемия муаммосига қарамай,



шу йил Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси биноси буткул янги қиёфага кирди. Бу мақсад учун маблағ ҳам, билимдон усталар ҳам тезда топилди. Муҳими, барча ишлар сифатли бажарилди, бошқарма бошлиғи бунёдкорлик самарадорлигини ўзи назорат қилди.

Ўзбекистоннинг энг мафтункор гўшаси саналган Зомин туманида ҳам ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимининг янги биноси қад кўтарган. Айни чоғда ишхона ҳовлисига экилган манзарали ва мевали дарахтлар кўкка бўй чўзмоқда. Бўлим бошлиғи Ёрқин Яхшибоевнинг айтишича, қисқа давр оралиғида Зомин қиёфаси тубдан ўзгарди, янгидан-янги заводлар, мактаблару боғчалар, замонавий турар жойлар, меҳмонхоналар барпо этилди. Шулар қаторида кўмита раиси Баҳром

Тўраевич Норқобиловнинг кўмаги билан туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими биноси учун керакли маблағ ажратилиб, қурилиш ишлари ниҳоясига етказилгани барча мутахассисларни хурсанд қилди. Айни чоғда ветеринария ходимлари 5 та эмлаш гуруҳларига бирлашган ҳолда хонадонма-хонадон юриб, аҳоли чорвасини кўздан кечирмоқда, даволамоқда. Бир томони пасттекислик ва яна бир томони пурвиқор тоғларга улашиб кетган туманда 29 мингдан ортиқ хонадон мавжуд. Қўшни республика билан чегарадош ҳудудни доимий назоратга олиш, одамлар ўртасида ўта хавфли касалликлар бўйича тушунтириш ишларини йўлга қўйиш осон иш эмас. Мутахассислар 37 та ҚФЙ



раислари билан узвий ҳамкорликда бу масалага алоҳида эътибор беришяпти. Яқинда Пишағар мол-бозорида Қрим-конго геморрагик иситмаси касаллигига бағишланган семинар ўтказилди. Шу тариқа мутахассислару чорвадорларнинг билимдонлиги яна бир бор синовдан ўтди. Тажрибали ветврач Икром Исмоилов ва “Ўзчорванасл” агентлигининг тумандаги вакили Аллаёр Эгамқуловнинг эътироф этишича, яқин келажакда ветврачлар малакаси янада оширилиб, улар УЗИ, планшет сингари замонавий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланади. Бу давр талабидир.

Ўтган йил бошида Ғаллаорол туман ҳокими ташаббуси билан туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимига бинони таъмирлаш ва янги мебеллар харид қилиш учун 750 миллион сўм пул ажратилди. Бино ва ундаги мебелларни кўриб, офарин, дедик. Фақат битта муаммо бор. Туманнинг у чеккаси билан бу чеккаси орасидаги масофа 80 километрдан ошди, турли-туман йиғилишлару қаҳриқларни назарда тутсак, биргина бошлиқнинг ўзи бир ойда камида минг километрдан ортиқ йўл босади. Бўлим бошлиғининг ўринбосарлари, мутахассисларнинг ҳам югур-югур қилиши инобатга олишса, бу ишхонага хизмат автомашинаси керак, жуда



керак. Туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Ғайрат Дувлановнинг эътироф этишича, Фарҳод Абдуҳолиқов, Ҳамидулла Соатов, Мақсуда Муродова, Вали Қаршиев ва Ҳаким Турсунбеков сингари тажрибали ва фидойи кишилар меҳнат қилаётгани боис иш самарадорлиги юқори бўлмоқда. Чорва ҳайвонларини хавфли касалликларга қарши эмлаш, сигир ва ғунажинларни сунъий уруғлантириш ишлари ўтган йил карантин чекловлари кучайтирилган пайтларда ҳам тўхтагани йўқ. Масалан, Лалмикор ветеринария участка мудир Абдуқодир Бобоёров ўз шогирдлари билан доимо одамлар орасида, кимнингдир молини, яна кимнингдир товуғиyo итини даволаб, сигирини сунъий уруғлантириб олқиш олмақда. Шу зайл бажарилган ҳар бир ишни дафтарларга қайд қилиб борапти. Ахир ғайратли ва билимдон ветврачнинг бир кунлик ишини айтаверсанг тугамайди, ёзиб қўймасанг, нимадир эсдан чиқади. Кўчарбулоқ кишлоғида яшаб, 18 бош зотдор қорамол ва 550 бош қўй-қўзини



к ў п а й т и р и ш г а ҳаракат қилаётган Неъмат фермер ўташев ҳам ветврачнинг хизматидан миннатдор. Чунки Абдуқодир ака гапга чечан киши, моли касалликка учраб таъби тирриқ бўлган кишини ҳам икки

гапириб, бир кулдиради. “Ҳаммаси яхши бўлади. Касал тузалади, тузалмаса қозонга тушади, ўзим сизга молбозордан энг зўрини олиб бераман, фақат кайфиятни туширманг”, дейди. “Ахир ўзингиз, оилангиз соғ, иштаҳангиз карнай бўлса, агар олдингизга мол духтир эмас, юрак духтир келиб турганда нима килардингиз,” дейди. “Худога шукр денг, мана кўрасиз, икки-учта укол билан жониворингиз шаталоқ отиб кетади”... Ана шу гапга чечан ака-миз Неъмат фермернинг ўғли Саҳоб Ўташев билан расмга тушди. Албатта, уларнинг ёнидан туман ве-

теринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Ғайрат Дувланов ҳам жой олди.

– Энг осони банкдан қарз кўтариб, зотдор молларни фермага олиб келиш экан. Ҳамма ташвишу озуқани кетини кувиш, елиб-югуриш ана шундан кейин бошланар экан. Шу ишга қўл ургунча буни билмаганмиз, – дейди фермернинг ўғли. – Зотдор қорамолинг борми, демак сен ветврачнинг гапини икки қилмаслигинг, шу соҳага оид китоблару журналларни ўқиб туришинг керак. Тўғри, ҳозир интернет орқали ҳамма саволга жавоб олиш мумкин, аммо унда ёлғон кўп, ножўя, бўлар-бўлмас маслаҳатлар тикилиб ётибди. Бирор ҳавойи гапга ишониб, шу асосда укол қилдингизми, ҳар бири 30 миллион сўмлик сигир ё ғунажинни йиқитиб қўйиш ҳеч гапмас. Шу боис доимо ветврачни мактаймиз, чақирса учиб келамиз. Ҳозир отамнинг ўзи ҳам келмоқчи эдилар, аммо лалмикорликдаги 40 гектарни ўзлаштириб, Калифорния ёнғоқларини экишга киришган. 9500 туп ёнғоқ кўчатларини Самарқанддан олиб келдилар. Ҳозир одамлар далада, ёнғоқ экиш билан банд. Ишнинг тепасида турмаса бўлмайди. “Мен кейинроқ бораман, сен меҳмонларга фермани кўрсат, меҳмон қил”, дедилар.

Фермернинг икки бош қорабайир зотли оти ҳам бор. Келгусида бу йилкилар ҳам кўпайтирилади. Чунки мулкдорнинг режаси шундай.

– Ҳар бир ишни ўз вақтида бажариш ёмон гап эшитмаслик гаровидир. Туман ҳокими ишхонани таъмирлаш, жиҳозлаш учун катта маблағ ажратган маҳал бирор жойда ветврач ишламаяпти, ўз вақтида мутахассис келмагани учун молим ўлиб қолди, деган гап айтилса ва бу гап “катталар”нинг қулоғига етиб борса яхши эмас-да. Шу боис эпизоотик барқарорликни сақлаш, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, эмлашни ташкил этишга 60 нафар мутахассисни жалб этганмиз. Ветврач хонадонма-хонадон юриб, энг инжиқ мижозларнинг ҳам кўнглини олишга, молини кўздан кечириб, керакли маслаҳатини беришга интиломқда. Бир сўз билан айтганда, бугун аҳолининг яшаш тарзиyo кайфиятини ветврачдан яхшироқ биладиган одам йўқ. Шу боис яхши ишлаган мутахассисларни рағбатлантиришни ҳам йўлга қўйганмиз.

Самарқанд вилояти. Нарпай туманидаги “Чархин” ва “Ўзбеккенти”ветеринария участкалари мудирлари Аҳрол Бекмуродов ва Саидмурод Сувоновлар ўзаро ахил, бир майизни қирқ бўлиб



еган оғайниларга ўхшайди, доимо бирга. Ёшлари ўртасида анча фарқ бор, аммо ҳамфикр бўлиш ёш танламас экан. Қолаверса, Саидмурод устози Ахрол акага том маънода ҳавасманд. Бу одамлар билан яқиндан танишгач, биз ҳам тажрибали ветврачнинг ишларига офарин, дедик. Шу ўринда бир гапни айтмасак бўлмас. Айни чоғда аҳоли гавжум бўлган туманларда бир ветучастканинг ташвишлари ғайратли одамни ҳам чарчатади. Ахир кунига ўнлаб мижозларнинг чақирғига бориш, эмлаш гуруҳида иштирок этиш, ҳисоб-китоб, қоғозбозлик. Ахрол ака ҳамма ишга улгурапти. Ота изидан бориб СамВМИнинг ветеринария факультетини яқинда тугатган ўғли эса Ахрол аканинг маслаҳати билан (узок йиллардан бери отаси шуғулланиб келган иш) гўшт йўналишидаги паррандачиликни ривожлантиришга чин дилдан киришиб кетган. Бир йилда Бекмуродовлар 20 минг бошдан ортиқ бройлер товуқларини гўштга айлантириб, бозорга чиқармоқда. Бу кичик бир оила учун ҳазилакам иш эмас. Аммо улар уйдаяпти, давлатнинг ишини қойиллатиб қўйиб, товуқчилик фермасини кенгайтиришга ҳам улгурмоқда. Бир сўз билан айтганда, қойил, кўпчилик ўрнак олса, даромадини кўпайтириб, бой яшаса бўладиган ибратли ҳолат. Фақат мулкдор айтганидек, меҳнатдан қочмаслик керак.



– Икки ўғлим бор, иккови ҳам меҳнаткаш, бири ветврач, яна бири фармацевт, – дейди Ахрол ака. – Яратганга шукр, ҳалол меҳнат тўғрисида рўзғоримиз тўкин ўтди. Шу касбим шарофатию товуқларни бройлерга боқиш ортидан талаба ўғилларимнинг шартнома пулини қийналмасдан тўлаб бордим. Энди эса фойда олиш ёқиб қолди, шу боис ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ҳақида ўйлаяпмиз.

Туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Ислонбек Муҳаммадиев иштирокида эмлаш гуруҳидаги ветврачлар фаолияти билан танишдик. Улар Ахрол акадек ташаббускор бўлишмаса-да зиммасидаги вазифани муаммога ўрин қолдирмасдан уйдаяпмиз. Масалан, Ибн Сино ветучастка мудири Феруз Мирзаев 707 та хонадонга, Тепакўрғон ветучастка мудири Фурқат Отакулов 716 хонадонга, Хўжакўрғон ветучаст-

ка мудири Дилшод Рустамов эса 1683 хонадонга жавобгар. Агар уларга бириктирилган ҳовлилардаги бирор жонивор эмлашдан четда қолса, билингки, мутахассис яхши ишламаяпти. Аслида ветврач меҳнатига энг жўяли баҳони одамлар беради. Эл хизматида бўлинг, муржаатларга лаббай, денг, касал молни тўғри ташхис қўйиб, даволаб беринг, раҳмат ҳам, даромад ҳам оласиз. Одамлар олдингизда ҳам ортингиздан ҳам сизни алқайди. Бу ветврачларга Ахрол аканинг бройлер паррандачилиги билан шуғулланаётганини айтдим. Улар биз ҳам шу ишни бошламоқчимиз, аммо ҳафсала қилолмаяпмизда, дейишди. Демак ҳавас бор, ҳадемай Ахрол ветврачнинг ташаббускорлиги туманда оммалашади.



Самарқанд вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Элмурод Тошмуродовнинг эътирофи этишича, ветучасткаларга контейнер ўрнатиш мутахассислар учун катта қулайлик яратмоқда. Муҳими, вилоятнинг турли чеккаларига қадар етиб борган, ветврачларга совға тарзида берилган 60дан ортиқ контейнерлар вилоят ҳокими Эркин Турдимов ташаббуси билан (махаллий ғазна ҳисобидан) харид қилинган. Элмурод Тошмуродов вилоят ҳокими, вилоят молия бошқармаси бу йил ҳам ветеринария тизимини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ваъда қилганини мамнуният билан таъкидлади.

– Кўриб турганингиздек, қўмитамиз раҳбари бўлимларни хизмат автомашиналари, керакли асбоб-ускуналар билан таъминлади. Вилоятимиз ҳокими таъмирлаш ишларига, контейнерлар сотиб олишга маблағ ажратди. Бу кўмак жорий йилда ҳам давом этади. Шу тариқа ветврачнинг нуфузи, эл орасидаги обрўи ошди. Барчаси учун катта раҳмат. Бу қулайлик, ҳурмату эътиборга биз ўз меҳнатимиз, фидойилигимиз билан жавоб беришимиз керак, – деди бошқарма бошлиғи контейнерлар эгасига айланган ветврачлар билан учрашув чоғида.

Очиғи, ветврач меҳнатига бўлган бугунги эътибор илгари тушга ҳам кирмаган. Кечагина асбоб-анжомларини уйида сақлашга мажбур бўлган ветврачлар бугун тўлиқ жиҳозланган, мебеллар, қиш-ёз тамойилидаги ускуналар ўрнатилган контейнерларга эга бўлгач, иш унумдорлигини янада оширишди. Аҳоли зарур бўлганда ветврачнинг ишхонасини осонгина топадиган бўлди. Ана шундай контейнерлардан бирини Пайариқ туманида кўрдик. Туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Шерзод Баҳриевнинг айтишича, туманда

мана шундай контейнерлар сони 4та, бу йил яна шунча олиш ва ўрнатиш режалаштирилган. Бешкўрган ветеринария участкаси мудири Фарҳод Жўрабеков, Гулистон ветучастка мудири Нурилла Оқбоев




ўз касбини яхши кўрадиган ёш мутахассислар. Мазкур ишхона маҳалла идорасининг биқинидаги икки сотихлик жойни эгаллаган. Ветврачлар ишхона ҳовлисига мевали ва манзарали

дарахт кўчатларини экишган, ҳадемай, бу ер гулзорга айланади. Бир сўз билан айтганда, моддий-техник аҳволи яхшиланиб бораётган самарқандлик мутахассислар муаммога ўрин қолдирмасдан меҳнат қилишмоқда.

Сирдарё вилояти.

– Агар бошқа касбнинг бошини тутганимда, бу қадар кадр топмаган бўлардим. Чунки ветеринарияга болалигимдан қизиққанман. Мол боқиш, қўй-қўзиларни кўпайтириш жону дилим эди. Ана шу қизиқишлар мени ўқиш-ўрганишга ундади. Талабалик давримда кўплаб оқибатли дўстлар орттирдим, билмаганимни устозлардан сўраб ўргандим. Ўша йилларни эсласам, юрагим соғинчдан орзикиб кетади. Биласизми, талабалик олтин давр дейишса, ўша пайтлар бунинг нимаси олтин, умринг ўқиш, ўрганиш, имтиҳон топшириш билан ўтса, дердим. Энди англаяпман, олтин давр ўша маҳал экан. Узок-яқин демай курсдошларни уйига, тўйига борганимиз, меҳр-оқибатли эдик. Энди сайру саёҳатга истак бору вақт тополмайсан, баъзан чарчоқ, баъзан турли мажлислар билан банд бўласан, лекин кейинги пайтларда ветеринарияга берилаётган эътибор, замонавий асбоб-ускуналар олиб келинаётгани мушкулни осон қилмоқда, – дейди Янгиер шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Алишер Насруллаев. – Шаҳримиз унча катта эмас, жами 9000 хонадоннинг 5000 таси ҳовли. Кимдир итга ишқибоз, яна кимдир паррандаю қўй боқишга қизикади, ҳовлисида уч-тўрт бош сигир боқиб, сутини бозорга чиқарадиган валломат кишилар ҳам йўқ эмас. Уларнинг ҳаммасига яқин ҳамкормиз, қўнғироқ қилиб қолишса, ўша заҳоти борилади. Муҳими, элнинг хизматида юриб мутахассисларимиз кам бўлишгани йўқ. Ўз вазифасини сидқидилдан бажариб, ҳамкасбларига ўрناк бўлаётган мутахассислар ҳақида гап кетганда, шаҳар деҳқон бозоридаги ВСЭЛ мудири Фахриддин Тожиевни ҳурмат билан тилга олсак арзийди. У ҳар қандай одам билан, ҳатто гапга тушунмайдиган жанжалкаш бўлса ҳам тез тил топишади. Бозорга сифатсиз сут ё гўшт маҳсулотларини олиб келган киши

билан ортиқча тортишиб ўтирмайди ҳам, текширув хулосасини унинг олдига қўядию жим туради. Вазминлик – унинг энг катта курали. Қолаверса, Фахриддин 22 йилдирки, лаборант Шоира Кари-



мова билан шу бозордаги ВСЭЛда, бозорчиларнинг феъл-атворини яхши билади. Яна бир гап. Бўлимга ёш мутахассислар малака оширгани келишса шу ерга жўнатаман, Фахриддинбекдан ишлашни, муомала маданиятини ўрганинглар, дейман.

Наманган вилояти. Чегарадан ўтиб қайтаётган кишилар билан суҳбатлашинг, аввало фақат ва фақат тинчлик, осойишталик ҳақида сўз очади. Президентимизга катта раҳмат, қирғиз элидаги қариндошларимиз билан борди-келди қилишимизга йўл очдилар, барака топсин, дейди. Шўро замонида чегара нималигини билмай қирғиз элидаги қавму қариндошлари билан куда-андачиликка киришган боболару момоларнинг қувончи эса еру қўкка сиғмайди. Аслида Президентимиз ташаббусига кўра қўшни республикалар билан яхши муносабатлар ўрнатилганию, бунинг нечоғлик аҳамиятли эканлигини пойтахтда яшаётган ё чегарадан ўтишга эҳтиёжи бўлмаган одамлар билмаслиги тайин, аммо чегарада яшаётган кишилар учун борди-келди қилиш сув ва ҳаводек зарур.

– Бундан бор-йўғи беш йил аввал косонсойликлар беш-олти километр олисдаги қишлоққа ҳатто қариндоши вафот этганда таъзия билдиргани ҳам боролмай қолишганди. Чунки чегара ёпиқ эди, гўё бир-биримизга душман эдик. Чегарадан ўтиш учун эҳ-е қанча қоғоз тўлдиришга тўғри келарди. Бугун эса паспорт бўлса, коронавирусга чалинмаган, деган хулоса бўлса бас, ўтиб кетаверасиз, – дейди Косонсой туманидаги чегара ветеринария пости ветврач-назоратчиси Абдумажид Қаҳҳоров. – Қунига чегарадан тахминан 250 киши ўтяпти. Вазифамиз оддий. Ҳайвонотга оид сут, гўшт сингари маҳсулотлар сифатини назорат қилиш ва одамларга бунинг аҳамиятини тушунтиришдан иборат. Чунки бизда ветеринария хизмати, унинг назорати кучли йўлга қўйилган. Қўшни республикада хавфли касалликларнинг олдини олиш, уларни эмлаш орқали жилаб туриш биздагидек йўлга қўйилмаган. Демак, агар чегарада чорва ҳайвонлари саломатлиги, сут ва гўшт маҳсулотлари сифати, уларнинг сертификатланганлиги қаттиқ назоратга олинмаса, касаллик тарқаб кетиши мумкин. Шу боис чегарада муомала маданиятини унутмаган ҳолда яхши сўз билан ветеринария-санитария назоратини амалга оширяпмиз.

Наманган чегара ветеринария пункти бошлиғи Жавлонбой Умаровнинг сўзларига қараганда, бўлимда 6 киши ишлаётган бўлса-да, пандемия иш самарадорлиги ва хажмига катта зарар келтирди.



Карантин чекловлари жорий этилгунга қадар чегарадан ўтаётган кишидан саломатлиги тўғрисидаги хужжат сўралмасди, бунга хожат ҳам йўқ эди. Албатта, офат тўлиқ жиловланса, чегарадаги борди-келдилар янада кучаяди. Ҳозирча эса

коронавирус пандемияси сабабли иккита постнинг биттаси, яъни Қосонсой пости ишлаб турибди. Пост ходимлари Ўзбекистон Республикасининг “Ветеринария тўғрисида”ги Қонуни, қўмита томонидан белгиланган барча йўриқномалар, бошқарма бошлиғининг топшириқларидан яхши хабардор, негаки бу хужжатлар постдаги кўринадиган жойга осиб қўйилган. Чегарадан ноқонуний ё шубҳали маҳсулотни олиб ўтаётган киши назоратчининг ҳақли эътирозига қарши гап айтса, унга девордаги

қонун ҳужжатлари билан танишиб чиқиш тавсия этилади. Ахир қонун талаби барча учун баробар, айниқса, чегарада.

– Бу ерда ишлаётган киши билимдон, зукко ва ўз вазифасига сидқидилдан ёндашадиган киши бўлмоғи зарур.

Чегарадан ўтаётган киши сиз билан суҳбатлашиб билсинки, бу Ўзбекистон – бағридарё халқ яшаётган макон, меҳмондўст, танти ва аини пайтда қонун устувор бўлган мамлакат. Бу юртга сифатсиз нарсани, иллатни киритиб бўлмайди. Ана шу сабабли Воҳиджон Комилжонов билан ҳамкорликда ходимлар фаолиятини мунтазам назорат қилиб боряпмиз. Мутахассислар малакасини ошириш, керакли жиҳозлар билан таъминлашга эса бошқармамиз бошлиғи катта эътибор қаратмоқда, – дейди Жавлонбой Умаров ҳамкасби Воҳиджон Комилжонов билан ҳисоботларни кўздан кечираркан.



ҲАЛОЛ МЕҲНАТ РОҲАТ-ФАРОҒАТ ДЕМАКДИР

– Ҳар йили 9 май – Хотира ва қадрлаш куни хотирамда ўтмиш жонланади, кўзимга ёш келади. Шундай саодатли кунларни кўриб, фарзандлару набиралар қуршовида, эъзозда яшаётганимдан хурсанд бўламан, Яратганга беадад шукр дейман. Тонг отмасданоқ дарвоза тақиллайди, гурра-гурра олис-яқиндаги қариндошлар кириб келишади. Хожид бобо сизни кўргани, дуонгизни олгани келдик, дейишади. Бу ёруғ оламдан ўтиб кетган аجدодларни хотирлаб Қурьону карим оятларидан тиловатлар қиламиз. Юртга барака тилаймиз, – дейди 84 баҳорни қаршилаган кекса чорвадор Эргаш бобо Ходжиев ўғлию набираси билан суҳбатлашаркан. – Аслида фақат 9 майда эмас ҳар кун, ҳар дақиқа эзгулик ҳақида ўйлаш, хайрли юмушларга қўл урмоқ керак. Ана шунда ҳаёт файзли кечади. Бугунги тўкин кунлар қадрига янада кўпроқ етасиз. Яширмайман, болалик чоғларимда бир бурда нонга зор бўлган кишиларни жуда кўп кўрдим. Ўтган асрнинг 50-йиллари иқтисод жуда оғир эди. Қорнимиз тўйсин, яхши яшайлик, деб фермага ишга кирганман. Ахир отам Хожихўжа бобо чорвадор эдилар-да. Қолаверса, ферма уйимизнинг олдида эди. Йиллар шиддат билан ўтаверди. Молбоқарлик ортидан рўзгоримиз тўкин бўлди, фарзандларни ўқитдик, уйли – жойли қилдик. Аллоҳнинг иноятини қарангки, ўзим оддий молбоқар бўлиб ишлаган фермани мустақиллик шарофати билан ўғлим сотиб олди. Аини чоғда “Бахт” фермер хўжалигида чорва бош сони кўпайган, сутни қайта ишлаш цехи ҳам бор. Мухими буларнинг бари ҳалол меҳнат, инсофу диёнат туфайли рўёбга чиқмоқда. Бундан қувонмай бўладими?.. Илоҳим, илоҳим юртимиз тинч, юртбошимиз омон бўлсинлар.



– Малака ошириш, соҳадаги илмий янгиликлардан бохабарлик керак, жуда керак. Республикадаги раҳбаримиз Баҳриддин Тангяриқовнинг мутахассислар малакасини оширишга энг муҳим масала сифатида қараётгани, марказда ўқув ташкил этилгани мени, юзлаб шогирдлари бўлган кекса ветвраччи беҳад хурсанд қилди, – дейди 67 ёшли қаршилаган ва соҳада 45 йилдан буён самарали меҳнат қилиб келаётган инсон, Қуйи Чирчиқ тумани деҳқон бозоридаги ВСЭЛ мудири Маҳмуд Тойлоқов. – Баъзилар лаборатория ходимига мазза, соя-салқин хонада ишлайди, уч-тўртта маҳсулотни текширади шу билан бир кун итади, деб ўйлайди. Бу бекорчи гап. Аслида бозорга кириб келаётган ҳар бир маҳсулотни чуқур текшириш, сут ва гўшт маҳсулотларини кафолатли таҳлил этиш, сифатсиз маҳсулотни тезкорлик билан йўқотиш аҳолини турли хавфли ҳасталиклардан ҳимоя қилишда жуда муҳимдир. Шу боис бу тизимда ишлаётган кишининг билими, малакаси бошқаларникидан ўн чандон юқори бўлиши лозим. Яна бир гап. Институтни тугатди, диплом олди, дегани малакали мутахассис бўлди, дегани эмас. Ветеринария тизимида ташхислаш, хавфли касалликларга қарши оқилона курашмоқ ҳар қанча муҳим бўлмасин, бу кўникма ветврачда йиллар давомида тақомиллашади. Қийинчиликларга чидаган, ўқиб-ўрганишдан тўхтамаган кишигина кадр топади. Демак раҳбарлар малака ошир, ўқи дедими, бу вазифага чин дилдан ёндашмоқ зарур.



Абдунаби Алиқулов, журналист

А.О.Орипов, Н.Э.Юлдашов, Ш.А.Джаббаров,
Ветеринария илмий-тадқиқот институти

ИЛМ-ФАН ВА АМАЛИЁТ: ИНТЕГРАЦИЯ ТАЛАБИ

Бугун чорва моллари орасида учрайдиган кўпгина юкумли, паразитар ва юкумсиз касалликларнинг олдини олиш, улар етказадиган иқтисодий зарар ва аҳоли саломатлиги учун туғдирадиган хавф-хатарни бартараф этиш жуда муҳимдир.

Шу боис Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан тизимдаги ветеринария мутахассислари ҳамда чорвачилик ва паррандачилик йўналишларида фаолият юритаётган мутахассислар малакасини узлуксиз ошириб бориш бўйича илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда дастур ишлаб чиқилди.

Дастурга мувофиқ, йил давомида бўлиб ўтадиган махсус ўқув-семинарлари ташкил этилди. Шу кунга қадар (вилоятларда соҳа олимлари ва мутасаддилар иштирокида) 25 марта ўқув-семинарлари ўтказилди. Семинарларда жами 3500 нафар ҳамда 500 дан ортиқ ветеринария мутахассислари иштирок этди.

Ҳозирги даврда чорва моллари ва паррандалар орасида кенг тарқалган асосий гельминтозларни аниқлаш, уларга қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш, (янги, маҳаллий ресурслар асосида ишлаб чиқарилган антгельминт воситалар гельминтозларни даволаш ва профилактика чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш) амалиётга тадбиқ қилиш долзарб ҳисобланади.

Бугунги кунда республикамизнинг Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида чорва моллари орасида маршаллагияз билан зарарланиш даражаси 57,2% ни, нематодироз билан 48,0% ни, бошқа ошқозон-ичак стронгиятозлари билан 61,6% ни, фасциолёз билан 22,1% ни ҳамда мониезиз билан касалланиш 6% ни, айниқса, майда шохли моллар-қўй ва эчкиларда эса асо-

сий гельминтозлар билан зарарланиш даражаси 79,2 фоизни ташкил этиши аниқланган.

Мавжуд муаммони ҳал қилиш учун ветеринария-санитария, даволаш ва профилактика чора-тадбирларини тўғри ташкил қилиш, маҳаллий шароитда ишлаб чиқилганда қуйидаги илмий ишланмаларни тавсия этамиз:

- чорва молларининг фасциолёз, шистосомоз (ориентобильгарциоз) ва парамфистоматозларининг олдини олишда янги, маҳаллий моллюскоцид воситаларни қўллаш (1 ва 2-иловалар);

- қўй гельминтозларига қарши албендазол, мис купорси ва туз аралашмасини тайёрлаш ва қўллаш (3-илова);

- қорақўлчилик хўжаликларида гельминтозларга қарши янги кимёвий восита-бентонитли антигельминт-туз аралашмаларни қўллаш (4-илова);

- парранда (товуқ)лар маҳсулдорлигини рағбатлантирувчи восита – госсипрен ва уни қўллаш бўйича қўлланма (5-илова).

Мазкур илмий ечилмалар асосида илм-фан билан амалиётни интеграция қилиш, соҳада яратилган ишланмаларни жорий этиш мақсадида:

- ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказлари базасида илмий ечилмаларни амалиётга кенг жорий этиш, бунинг учун чорвачилик ва паррандачилик фермер хўжаликларида шартнома асосида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, унинг хизмат кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш;

- ветеринария-сервис хизматларидан тушган маблағлар ҳисобидан эса марказларни зарурий воситалар, дори-дармонлар, асбоб-ускуналар таъминлаш ҳисобига илмий ечилмаларни амалиётга татбиқ этиш чораларини кўришимиз зарур.

1-илова

Фасциолёз, ориентобильгарциоз ва парамфистоматидозларга қарши курашда аммоний сульфатдан фойдаланиш бўйича қўлланма

1.1.Умумий ҳолатлар

1.1.Фасциолёз, ориентобильгарциоз ва парамфистоматидозлар (гастротилляксоз, каликофороз, парамфистомоз) асосан қорамол ва қўй-эчкилар ҳамда бошқа қовшоқчи ҳайвонларга хос бўлган гельминтозлар гуруҳи бўлиб, уларнинг кўзгатувчилари – Trematoda синфига мансуб Fasciola orientobilharzia, Gastrotilax, Calicophoron, Paramphistomum авлод вакиллари бўлиб ҳисобланади ва улар чакирадиган касалликлар гуруҳи трематодозлар деб аталади.

1.2.Бу трематодозлар – фасциолёз, ориентобильгарциоз ва парамфистоматидозларнинг кўзгатувчилари биогельминтлар бўлиб уларнинг яшаш тарзи, яъни ривожланиб тарқалишида оралиқ хўжайинлар сифатида чучук сув моллюскалари қатнашади, яъни фасциола, ориентобильгарция ва парамфистоматидлар ривожланишининг личинка босқичи (мирацидий, редий, церкарий) Lymnaeidae ва Planorbidae оилаларига мансуб моллюскалар организмиде ўтади ва касаллик кўзгатишга қодир бўлган, яъни инвазион личинкалар – церкарийлар, адолескарийлар касаллик

кўзгатувчиларнинг асосий (дефинитив) хўжайинлари – қорамол, қўй-эчки ва бошқа ҳайвонлар организмиде (сув ва ўт-хашак орқали) ўтади, улар ўзига хос жараёнларни ўтиб вояга етган трематодалар (гельминтлар) бўлиб ривожланади ва ўзларининг тухум ва личинкаларини ташқи муҳитга чиқариб, авлод тарақиётини таъминлайди.

1.3.Трематодаларнинг преимагинал ривожланиш ва паразитлик қилиш даврида ҳайвон организмиде ҳар бир трематодозларга хос патологик жараёнлар ривожланади, касалликларнинг клиник белгилари намоён бўлади – ҳайвон кескин ориқлаб кетади, ошқозон-ичак тизими фаолияти бузилади, камқонлик ва саргайиш аломатлари кузатилади, охир-оқибат ҳалок бўлади.

1.4.Фасциолёз, ориентобильгарциоз ва парамфистоматидозларга қарши чора-тадбирлар икки йўналишда олиб борилиши лозим. Булардан бири трематодозлар билан зарарланган молларни режа асосида дегельминтизация қилиш бўлса, иккинчиси касаллик кўзгатувчилари (фасциола, ориентобильгарция ва парамфистоматидлар)нинг оралиқ хўжайинлари – чучук сув моллюскаларига қарши кураш олиб бориш, яъни бу моллюскаларни йўқотишдан иборатдир.

1.5.Трематодозларнинг олдини олиш, яъни фасциолёз, ориентобильгарциоз ва парамфистоматидозларнинг

Фасциолёз, ориентобильгарциоз ва парамфистоматидозларга қарши курашда калий хлориддан фойдаланиш бўйича қўлланма

1. Умумий ҳолатлар

1.1. Фасциолёз, ориентобильгарциоз ва парамфистоматидозлар (гастротиликсоз, каликофороз, парамфистомоз) асосан қорамол ва қўй-эчкилар ҳамда бошқа қовшоқчи ҳайвонларга хос бўлган гельминтозлар гуруҳи бўлиб, уларнинг қўзғатувчилари – Trematoda синфига мансуб Fasciola orientobilharzia, Gastrotelax, Calicophoron, Paramphistomum авлод вакиллари ҳисобланади ва улар чақирадиган касалликлар гуруҳи “трематодозлар” деб аталади.

1.2. Бу трематодозлар – фасциолёз, ориентобильгарциоз ва парамфистоматидозларнинг қўзғатувчилари биогельминтлар бўлиб, уларнинг яшаш тарзи яъни ривожланиб тарқалишида оралик ҳўжайинлар сифатида чучук сув моллюскалари қатнашади, яъни фасциола, ориентобильгарция ва парамфистоматидлар ривожланишининг личинка босқичи (мирацидий, редий, церкарий) Lymnaeidae ва Planorbidae оилаларига мансуб моллюскалар организмда ўтади ва касаллик қўзғатишга қодир бўлган, яъни инвазион личинкалар – церкарийлар, адолескариялар касаллик қўзғатувчиларнинг асосий (дефинитив) ҳўжайинлари – қорамол, қўй-эчки ва бошқа ҳайвонлар организмга (сув ва ўт-хашак орқали) ўтади, улар ўзига хос жараёнларни ўтиб вояга етган трематодалар (гельминтлар) бўлиб ривожланади ва ўзларининг тухум ва личинкаларини ташқи муҳитга чиқариб, авлод тараққиётини таъминлайди.

1.3. Трематодаларнинг преимагинал ривожланиш даврида ҳайвон организмда ҳарбир трематодозларга хос патологик жараёнлар ривожланади, касалликларнинг клиник белгилари намоён бўлади – ҳайвон кескин ориқлаб кетади, ошқозон-ичак тизими фаолияти бузилади, камқонлик ва сарғайиш аломатлари кузатилади, охир-окибат ҳалок бўлади.

1.4. Фасциолёз, ориентобильгарциоз ва парамфистоматидозларга қарши чора-тадбирлар икки йўналишда олиб борилади лозим. Булардан бири бу трематодозлар билан зарарланган молларни режа асосида дегельминтизация қилиш бўлса, иккинчиси касаллик қўзғатувчилари (фасциола, ориентобильгарция ва парамфистоматидлар)нинг оралик ҳўжайинлари – чучук сув моллюскаларга қарши кураш олиб бориш, яъни бу моллюскаларни йўқотишдан иборатдир.

1.5. Трематодозларни олдини олиш, яъни фасциолёз, ориентобильгарциоз ва парамфистоматидозларнинг қўзғатувчилари билан чорва молларининг зарарланишини олдини олиш учун чучук сув моллюскалари яшаб қўпаядиган сув манбаълари (кичик қўл ва қўлмақлар, дарё, канал ва ариқлар қирғоқларида ҳосил бўладиган қўлмақ ва нам ҳудудлар), яйлов ва айрим чегараланган ҳудудлар, яъни моллюскаларнинг биотопларини қуритиш ёки уларни чорва моллари қирмайдиган қилиб ўраб (тўсиқ билан) қўйиш, бундай сув манбаълари бўлган ҳўжаликларда ўрдақ ёки ғоз каби сувда сузувчи паррандаларни қўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

Аммо, моллюскаларга қарши курашнинг энг самарали усули – кимёвий воситалар, яъни моллюскоцидлардан фойдаланишдир. Моллюскоцидларни қўллашда, албатта, уларнинг ташқи муҳит, чорва моллари, ёввойи ҳайвонлар ва одамлар учун хавфсизлигига эътибор бериш шарт.

1.6. Чучук сув моллюскалар биотопларини моллюскоцид воситалар билан ишлов бериш моллюскалар ҳаётининг фаол даврида, улар яйловда (биотопларда) пайдо бўлиб яшаши ва қўпайиши даврида, яъни баҳор, ёз ва куз ойларида амалга оширилади. Моллюскоцидларни қўллашдан олдин

қўзғатувчилари билан чорва молларининг зарарланишини олдини олиш учун чучук сув моллюскалари яшаб қўпаядиган сув манбаълари (кичик қўл ва қўлмақлар, дарё, канал ва ариқлар қирғоқларида ҳосил бўладиган қўлмақ ва нам ҳудудлар), яйлов ва айрим чегараланган ҳудудлар, яъни моллюскаларнинг биотопларини қуритиш ёки уларни чорва моллари қирмайдиган қилиб ўраб (тўсиқ билан) қўйиш, бундай сув манбаълари бўлган ҳўжаликларда ўрдақ ёки ғоз каби сувда сузувчи паррандаларни қўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

Аммо, моллюскаларга қарши курашнинг энг самарали усули – кимёвий воситалар, яъни моллюскоцидлардан фойдаланишдир. Моллюскоцидларни қўллашда, албатта, уларнинг ташқи муҳит, чорва моллари, ёввойи ҳайвонлар ва одамлар учун хавфсизлигига эътибор бериш шарт.

значительный экономический ущерб молочному скотоводству. В этиологии данного заболевания важную роль играет микрофлора в связи с чем, для лечения больных коров широко применяются антимикробные препараты, в том числе и антибиотики. Но в процессе эволюции и в связи с массовым применением указанных выше препаратов в медицине и ветеринарии у бактерий выработались многочисленные приспособительные механизмы, позволяющие существенно снизить эффективность терапии. Свой негативный вклад в распространение антибиотикорезистентных штаммов возбудителей вносит и эмпирическое назначение антибиотиков. Поэтому в современных условиях ведения молочного скотоводства необходимо учитывать как этиологическую структуру возбудителей мастита, так и их чувствительность к антимикробным препаратам. Соблюдение данных правил позволит проводить лечение с максимальной эффективностью и предотвратит развитие резистентности у возбудителя мастита к антибиотикам.

Список литературы:

1. Бережная Л.П. Микробиологическая диагностика стрептококкозов / Л.П. Бережная // Ветеринария сельскохозяйственных животных. – 2008. – №8. – С.20-23.
2. Забровская, А.В. Эпизоотологический анализ распространения антибиотикорезистентных штаммов возбудителей инфекционных болезней у сельскохозяйственных животных в северо-западном федеральном округе Российской Федерации: автореф. дис. ... доктора ветеринарных наук: 06.02.02/ А.В. Забровская. – Санкт-Петербург, 2019. – 41 с.
3. Ивашура, А.И Система мероприятий по борьбе с маститами коров. Москва: Росагропромиздат. – 1991. – 240 с.
4. Инчагова К.С. Влияние антибиотиков на систему «QUORUM SENSING» LUXI/ LUXR -ТИПА у бактерий (на примере *Chromobacterium violaceum*): / автореф. дис. кандидата биологических наук: 03.02.03/ К.С. Инчагова, Оренбург, 2020. – 23 с.
5. Крюкова, В.В. Выделение и определение антибиотикоустойчивости патогенных стрептококков, возбудителей мастита коров / В.В. Крюкова // Материалы международной конференции, посвященные 80-летию Самарской НИВС Россельхозакадемии. — Самара, 2009. — С. 239-242.
6. Кузьминский, И.И. Возбудители мастита у коров и эффективность антимикробной терапии / Кузьминский И.И., Степанова Е.А., Лиленко А.В.// Эпизоотология Иммунобиология Фармакология Санитария. – 2019. – №2. – С.68-72.
7. Кузьминский, И.И. Диагностика мастита/ Кузьминский И.И., Степанова Е.А., Лиленко А.В.// Ветеринарное дело – 2017. – №8. – С. 10-15.
8. Кузьминский, И.И. Профилактика мастита у коров / И.И. Кузьминский, А.А. Богущ, В.Е. Иванов // Ветеринарное дело. – 2015. – № 2. – С. 29-32.

Нарзиев Бахтиёр Долиевич, в.ф.н., доцент,
Юлчиев Жасурбек Баходирович, PhD, ассистент,
Ходжаев Азиз Баходирович, магистрант,
Самаркандский институт ветеринарной медицины

ТЕХНИКА ОВАРИОГИСТЕРЭКТОМИИ У СОБАК

Аннотация

В данной статье предоставлена информация об эффективности и техники операции овариогистерэктомии у собак.

Ключевые слова: опухоли молочных желез, половые гормоны, яичники, овариозэктомия, овариогистеротомия.

Актуальность темы. Методы кастрации и стерилизации самок разных видов животных описано в работах А.П. Студенцова, Т.С. Минкина, Н.П. Соколова, В.В. Мосина и др. Кастрация самок применялась с давних времен как экономически эффективная операция.

Кастрация (лат. Castratio-оскопление, обрезание)-холощение, удаление оперативным путем половых желез у самцов и самок. Слово кастрация происходит от «кастус», что означает чистота, целомудрие. Стерилизация, sterilisatio, (лат. -бесплодный)-лишение животных способности к воспроизводству потомства [2, 3].

Разработка и описание методов кастрации и стерилизации на разных видах животных посвящено значительное количество научных трудов [1, 2, 3, 4, 5]. Однако в последние годы вопросу обеспложивания самок продуктивных животных уделяется недостаточно внимания, несмотря на возросшую необходимость в обеспложивании домашних и беспризорных животных.

Овариогистерэктомия у собак проводится довольно часто. Эта операция является общепринятым способом кастрации сук (кастрация - искусственное прекращение функции половых желез).

С целью кастрации удалять только яичники не рекомендуется, так как остается риск возникновения патологий матки, связанный с возникновением в ней воспалительных процессов. Кроме того, в процессе удаления только яичников, очень часто вместе с маткой оставляют кусочек яичника (случайно), что сводит на нет весь результат операции, так как наличие даже небольшого участка гормон активной ткани достаточно для проявления у животных половой цикличности (течки, риска возникновения беременности и т.д.).

Материалы и методы исследования. Экспериментальная часть научных исследований проводилась на кафедре ветеринарной хирургии и акушерства Самаркандского института Ветеринарной Медицины, на 6 собаках различного возраста, пород, живой массы. Также перед и после стерилизации в обязательном порядке проводилось общее исследование крови на наличие гормонов (прогестерона и эстрадиола).

Показания для проведения операции.

Показанием для овариогистерэктомии служит:

- Профилактика и прерывание нежелательной беременности.

Annotation

In this scientific article was given information about the efficiency and technics of ovariohysterectomy of dogs.

- Профилактика образования опухолей молочных желез. Риск образования опухолей молочных желез у нестерилизованных в 7 раз больше чем у стерилизованных.

- Воспаление матки (пиометра, эндометрит и т.д.)

- Новообразования матки и яичников

- Чрезмерная половая активность

- Гиперплазия молочных желез

- Некоторые кожные заболевания. Например, при кистах яичников развиваются симметричные аллопеции.

- Для исключения из разведения животных, носителей наследственных заболеваний.

Техника операции. После действия наркоза животное фиксируют на хирургическом столе в спинном положении.

Подготовка операционного поля: выбритую и вымытую кожу протирают спиртовыми тампонами от места предстоящего разреза к периферии. В качестве этого используют 70%-ый этанол или изопропил. Затем двукратно смазывают 5%-ным спиртовым раствором йода.

По линии разреза подкожно по белой линии живота инъецируют 0,5%-ный раствор новокаина для местной анестезии.

У собак разрез длиной 5-6 см, производим, отступая от пупка каудально на 1-2 см.

Разрезав мышечный слой, входим в брюшную полость и отыскиваем рога матки с яичниками. Для их удаления извлекаем из брюшной полости наружу и накладываем лигатуры под яичники, перевязываем с помощью ножниц они удаляются. Убедившись, что из культи нет кровотечения её опускаем в брюшную полость. Таким образом производят овариогистерэктомию у собак. Если необходимо произвести овариогистерэктомию операцию производят следующим образом. После проведения лапаротомии на шейку матки или краниальную часть влагилица накладывают по две лигатуры. И между ними перерезав удаляют матку с яичниками обязательно, проконтролировав на отсутствие кровотечения, которое может быть из культи на шейке матки, яичниковой связке и брыжейке. Культи погружают в брюшную полость на рану брюшной стенки накладывают трехэтажный шов: непрерывный кетгутом на пристеночную брюшину; прерывистый узловатый (кетгут, шелк) на белую линию живота; шелковый с валиками на кожу и подкожную клетчатку.

Края раны, обработав 5% спиртовым раствором йода и наложив стерильную марлевую повязку, которую фиксируют на коже пластырем. Далее животному надевают послеоперационную попону.

Таким образом для профилактики нежелательных беременностей, лечения заболеваний яичников и опухолей молочной железы должна широко использоваться овариогистерэктомия.

Список использованной литературы:

1. Семенов Б.С., Стекольников А.А., Суховольский О.К., Тимофеев С.В., Веремей Э.И. / Практикум по общей хирургии. ISBN 13:978-5-8114-1502-1, "Лань" 2013 г.
2. Савейский А.Г. Байматов В.Н., Мешков В.М. / Патологическая физиология Колос 2009 г.
3. Паршин А.А. Хирургические операции у собак и кошек / Паршин А.А., Соболев В.А., Созинов В.А. - М.: Аквариум ЛТД, 2001. - 232с.

UDK:616.071:636.082.454:636.2:618

B.M.Eshbo'riyev, ilmiy rahbar, professor;

B.S.Alimov, mustaqil izlanuvchi, F.Ro'ziqulov, talaba

MAHSULDOR SIGIRLAR REPRODUKTIV XUSUSIYATLARINI STIMULLASHNING ZAMONAVIY USULLARI

Аннотация

В статье описаны причины бесплодия импортных коров в республике, приведены литературные данные по современным методам стимуляции и синхронизации репродуктивных функций у коров.

Annation

The article describes the reasons for the infertility of imported cows in the republics, provides literary data on modern methods of stimulating and synchronizing reproductive functions in cows.

Kalit so'zlar: tuxumdonlar, gonadotrop, follikulastimullovchi, stimullash, sinxronlash, bepustlik.

Mavzuning dolzarbligi. Hozirgi kunda xorijdan ko'plab olib kelinayotgan mahsulдор sigirlar orasida reproduktiv a'zolar kasalliklari va funksiyalarining buzilishi oqibatida bepustliklarning kuzatilishi mahsulдорlik va sigirlardan bola olishning kamayishi, yuqori mahsulдор hayvonlardan xo'jalikda foydalanish muddatlarining qisqarishi hisobiga katta iqtisodiy zararga sabab bo'lmoqda.

Adabiyot ma'lumotlarining tahlili shuni ko'rsatadiki, hozirgi kungacha respublikamiz qoramolchilik fermer xo'jaliklari sharoitida parvarishlanayotgan sigirlar orasida ko'payish a'zolarining kasalliklari va funksiyalarining buzilishi oqibatida kuzatiladigan bepustliklarning sabablari, rivojlanish xususiyatlari to'liq o'rganilmagan, davolash va oldini olishning bugungi bozor iqtisodiyoti sharoitlariga mos keladigan usullari yetarlicha ishlab chiqilmagan. Bu o'z navbatida xo'jaliklarning iqtisodiy imkoniyatlari, iqlimi va mahalliy sharoitlaridan kelib chiqib, samaradorligi yuqori vositalardan foydalanishni keng yo'lga qo'yish ehtiyojini tug'diradi.

Ishlab chiqarish sharoitlarida sigirlarning bepustliklarida faqat sinestrol, estrodiol benzoat, magetrol kabi estrogen xususiyatli preparatlar qo'llaniladi. Bu o'z navbatida tuxumdonlarda so'rilmasdan saqlanib qolgan sariq tanani, yoki jinsiy sikl sariq tanasini yoki tuxumdonida yetilayotgan follikulalar atreziyasini, ya'ni surilib ketishini ta'minlaydi va hayvonda jinsiy qo'zg'alish kuzatiladi, xolos. Shuning uchun hayvonlarda jinsiy siklni sinxronlash va stimullash xususiyatiga ega bo'lgan preparatlarni qo'llash bilan bepustliklarning oldini olish bugungi kunda dolzarb muammolardan biri hisoblanadi.

Ishning maqsadi. Respublikamiz fermer xo'jaliklariga chet davlatlardan import qilingan sigirlarda bepustliklarning kelib chiqishi sabablari, rivojlanish xususiyatlari, reproduktiv xususiyatlarni stimullovchi va jinsiy siklni sinxronlovchi vositalarning bepustliklarning oldini olishdagi ahamiyatini o'rganish bo'yicha adabiyot ma'lumotlarini tahlil qilish.

Tadqiqotlarda sigirlar rasionida oziqlantirish me'yorlariga nisbatan 1177,5 g hazmlanuvchi protein, 44,45 g kalsiy,

13,5 g fosforning ortiqchaligi va 1,79 g quruq modda, 1508 g qandning tanqisligi qand-oqsil nisbatining 0,8 – 1,2:1 o'rni-ga 0,5:1 gacha bo'lishi sigirlarda bepustliklarning kelib chiqishiga sabab bo'lishi aniqlangan [5].

Tuxumdonlar gipofunksiyasi oqibatida kelib chiqadigan bepustliklarga gipofiz bezi gonadotropin gormonlarining sintezi va inkresiyasining (ajralishi) kamayishi yoki gonadotropin gormonlarining tuxumdonlarga ta'sir reaktivligining pasayishi sabab bo'lishi mumkin [1].

Sigirlar tuqqandan keyingi birinchi va ikkinchi oylarda jinsiy siklning o'tkazib yuborilishi, 300 kun yoki undan ham uzoq bo'lgan laktasiya davri, sigirlarda servis davrining qisqarishi, tanalarni fiziologik yetilmasidan urug'lantirish va birinchi tug'ishdagi sigirlarni sut ishlab chiqarilishini ko'paytiruvchi rasionda boqish ekspluatasion bepustlikka sabab bo'lishi mumkin [4].

Urg'ochi hayvonlarda reproduktiv funksiyalarni boshqarish markazlari gipotalamusda joylashgan bo'lib, u gipofiz bilan juda yaxshi aloqada bo'ladi. Gipotalamus tomonidan ishlab chiqariladigan liberinlar gipofizning oldingi bo'limi gormonlari faolligini oshiradi yoki pasaytiradi.

Gipofizning oldingi (adenogipofiz) va keyingi (neurogipofiz) bo'limlari farqlanib, uning oldingi bo'limida ishlab chiqariladigan follikulastimullovchi (FSG) gormon – urg'ochi hayvonlar tuxumdonlarida follikulalarning yetilishi va o'sishi-ni stimullaydi. Lyuteinlovchi (LG) gormon – tuxumdonlar tomonidan esterogenlar ishlab chiqarilishini, ovulyasiya va sariq tana hosil bo'lishini stimullaydi. Lyuteotrop (LTG) gormon (prolaktin) – bevosita sut bezlariga ta'sir etib, sut hosil bo'lishini faollashtiradi [4].

Esterogenlar – organizmga murakkab ta'sir etib, urg'ochi hayvonlarda jinsiy a'zolarining (bachadon, qin) o'sishi va rivojlanishiga maxsus ta'sir ko'rsatadi. Esterogenlar ta'sirida urg'ochi hayvonlarda jinsiy siklning bosqichlari, fenomenlari, ya'ni, oqish, kuyikish va umumiy jinsiy reaksiya shakllanadi. Esterogenlarning sun'iy preparatlarini kichik dozalarda

qo'llash follikulalarning o'sishi va yetilishiga stimullovchi ta'sir ko'rsatadi, yuqori dozalarda qo'llanilganda esa gipofiz tomonidan follikulastimullovchi gormonlar ishlab chiqarilishini kamaytirib, lyuteinlovchi gormon ishlab chiqarilishini kuchaytiradi, laktasiyani to'xtatuvchi ta'sir ko'rsatib, tuxumdonlar to'qimasida atrofik o'zgarishlar kuzatilishiga sabab bo'ladi. Hozirda Yevropa ittifoqiga a'zo davlatlar va Turkiyada estrogenlarning analoglarini qo'llash qonun bilan taqiqlab qo'yilgan.

Veterinariya amaliyotida follikulastimullovchi gormonlar sifatida gipofiz tomonidan ishlab chiqariladigan gonadotropinlar ko'p qo'llaniladi. Bu preparatlar go'shtga so'yilgan qoramollar adenogipofizi va bo'g'oz biyalar qon zardobidan olinadi. Hozirda ularning analoglari sun'iy yo'llar bilan ham olinmoqda. Lyuteinlovchi preparat sifatida homilador ayollar siydigidan ajratib olinadigan xorionogik gonadotropin ishlatiladi [5].

Hayvonlarda tuxumdonlar funksiyalarining buzilishlarida ko'pincha gonadotrop gormonlar, prostoglandin $F_2\alpha$ ($PGF_2\alpha$) va gonadolibirinlar. Ayrim hollarda neyrotrop preparatlar (prozarin, karbaxolin) va tuxumdonlar gormonlari preparatlari (progestagenlar, estrogenlar) ishlatiladi. Gormonal preparatlar tuxumdonlarning endokrin va generativ funksiyalarini me'yorlashtiradi, bachadonning qisqaruvchanligini oshiradi, proleferativ-sekretor jarayonlarni faollashtirib, sigir va tanalar pushtdorligini tiklaydi.

Gonadolibirinlar - follikulastimullovchi va lyuteinlovchi relizing faollikka ega birikmalar bo'lib, bunday xususiyatga ega preparatlarga gipotalomik gonadotropin relizing-gormon ($GnRG$) va uning sintetik analoglari misol bo'ladi. $GnRG$ ning kimyoviy xususiyati 1971-yilda aniqlangan. Uning ajratib olinishi va kimyoviy tabiatini o'rgangan amerikalik A.Shally va R.Guillemmin 1973-y. Nobel mukofoti laureatlari bo'lishgan. $GnRG$ preparatlari va uning sintetik analoglari veterinariya amaliyotida keng qo'llaniladi [3].

Kloprostenol - $PGF_2\alpha$ ning sintetik analogi bo'lib, oq yoki oqish amorf gigroskopik talqon, suv va spirtida yaxshi eriydi. Lyuteolitik, antiprogestagen va uterotonik ta'sirga ega. Lyuteolitik faolligi tabiiy $PGF_2\alpha$ dan taxminan 50 marta kuchli.

Preparatning dozasi 50 va 100 marta oshirib yuborilganda sigirlarda komatoz holat, ko'p terlash va galaktorreya belgilari kuzatilishi mumkin. Bo'g'ozlikni to'xtatish (sun'iy abort) paytida homilaning o'limi, homila yo'ldoshining ushlanib qolishi, metrit kuzatilishi mumkin. Bo'g'ozlik, yurak-qon tomir, nafas va ovqat hazm qilish tizimi organlarining o'tkir yetishmovchiliklarida qo'llash tavsiya etilmaydi.

Gonadestrin - Ispaniyada ishlab chiqariladi. Gonadotropinning rangi oq, liofil quritilgan kristal talqoni va 17β -estradioldan iborat. Erituvchisi bilan birgalikda qadoqlanadi. Bir flakonda 1000 XB zardob gonadotropini va 17β -estradiol, bir flakonda 10 ml eritish uchun suv bo'ladi. Estradiol organizmning zardob gonadotropiniga sezuvchanligini oshiradi. Gonadotropin follikulalar yetilishini stimullaydi, qondagi jinsiy gormonlar konsentratsiyasini oshiradi, jinsiy qo'zg'alish, jinsiy moyillik va ovulyasiya kuzatilishini, tuxumdonlarda to'la qimmatli sariq tana hosil bo'lishini ta'minlaydi [3].

Surfagon - Rossiyada ishlab chiqariladi. Gonadotropin-rilizing gormonining sintetik analogi bo'lib, folikulastimullovchi va folikulyuteinlovchi ta'siri gonadorelinga nisbatan 50 marta kuchli. Rangsiz, steril eritma. 1 ml suvli eritmasida 5 mg ta'sir etuvchi modda saqlaydi. 10 ml idishlarda qadoqlanadi.

Surfagon inyeksiya qilinganda adenogipofiz tomonidan gonadotropinlarni ishlab chiqarilishi kuchayadi. Ularning konsentratsiyasi preparat qo'llanilgandan keyin 2-3 soat o'tib maksimal darajaga yetadi va 4-5 soat davomida saqlanib qoladi. Surfagon fermentlar ta'sirida tabiiy gonadorelinga nisbatan sekin parchalanadi. Shuning uchun gipofizning gonadotrop funksiyasiga kuchliroq ta'sir ko'rsatadi. Preparatning qo'llash dozasi hayvonning turi va ishlatishning maqsadiga ko'ra belgilanadi [3].

Veterinariya amaliyotida sigirlarda jinsiy siklni sinxronlash, ya'ni jinsiy siklni maqsadga muvofiq muddatda kuzatilishini ta'minlashga katta e'tibor qaratilmoqda. Sinxronlash usullaridan birining mohiyati shundan iboratki, sigir va tanalar 6-15 kun davomida progesteronlardan biri (progesteron, magesrol asetat va b.), undan keyin BBQZ (bo'g'oz biya qon zardobi) yoki estrogenlardan biri inyeksiya qilinadi. Yana bir variantda jinsiy qo'zg'alishni sinxronlashda prostoglandin - $F_2\alpha$ yoki uning sintetik analoglari (10-11 kun oraliq bilan 2 marta) qo'llaniladi [2].

Xulosa: 1. Mahsuldor sigirlarda bepustliklarning kelib chiqishida masion va quyosh nurlarining yetishmasligi, rasionda hazmlanuvchi proteinning ortiqchaligi va yengil hazmlanuvchi uglevodlarning tanqisligi, hamda tuxumdonlar gipofunksiyasini ta'minlovchi gormonal o'zgarishlar asosiy etiologik omillar hisoblanadi.

2. Bugungi kunda Respublikamiz fermer xo'jaliklari va shaxsiy xo'jaliklarga qarashli sigirlarda bepustliklarni oldini olish, jinsiy funksiyalarni stimullash va stimullash maqsadida keng qo'llanilayotgan esterogenlarning (sineestrol, magesrol, estrodiol benzoat kabi) o'rniga gonadotrop, folikulastimullovchi va folikulyuteinlovchi xususiyatga ega preparatlarni qo'llash maqsadga muvofiq bo'ladi.

3. Hozirda veterinariya amaliyotida sigirlarda jinsiy siklni stimullash va sinxronlashtirish orqali bepustliklarni davolash va oldini olishda "Survagon" (1 ml da 10 mkg ta'sir etuvchi modda) preparatidan bir boshga 2 ml muskul orasiga inyeksiya qilish, Kloprostenol (1 ml da 0,25 mkg ta'sir etuvchi modda) preparatidan bir boshga 2 ml muskul orasiga inyeksiya qilish tavsiya etiladi. Talab etilganda 10-12 kunlik tanaffusdan keyin preparatlarni qayta qo'llash mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Кузьмич Р.Г., Дюльгер Г.П. [и др.] Практическое акушерство и гинекология животных. Витебск: ВГАВМ 2017, Ст – 198.
2. Некрасов Г.Д., Суманова А.И. Акушерства, гинекология и биотехника размножения. Учебное пособие. Барнаул: Изд-во АГАУ 2007, Ст – 85.
3. Теоретическое и практическое обеспечение высокой продуктивности коров. Часть 2. Профилактика болезней молодняка крупного рогатого скота и коров практическое пособие / А. И. Ятусевич [и др.] ; под общ. ред. А. И. Ятусевича. - Витебск : ВГАВМ, 2015. - 532 с.
4. Каталог продукции. Узбекско-Великобританско-Российское Совместное Предприятие ООО «UZBIOKOMBINAT» ТМ BIVEKO. www.biokombinat.uz
5. Eshburiyev B.M. Veterinariya akusherligi. Toshkent. Fan va texnologiyalar nashriyoti, 2018.
6. Eshburiyev B.M., Suvanov A.S., Bazarbayeva A.A. Sigirlarda tuxumdonlar gipofunksiyasining sabablari, patogenezi va UTT diagnostikasi. Veterinariya meditsinasi jurnali №3, 2021. B – 21-23.

УДК:636.92:619:616

А.С. Даминов, в.ф.д., профессор, Н.Б. Дилмуродов, в.ф.д.,
профессор,
Б.А. Кулиев, в.ф.н., доцент, С.М. Ахмедов, ассистент,
К.Ш. Акрамов, магистр,
Самарқанд ветеринария медицинаси институти

ҚУЁНЛАР ЭЙМЕРИОЗИДА ПАТОМОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАР

Аннотация

Эймериозы наиболее распространенные протозойные болезни молодых кроликов, от числа заболевших, задержка роста и развития и повышенной восприимчивостью к различным инфекционным и другим заболеваниям.

Калит сўзлар: кокцидиоз, эймериоз, ооцисталар, эвисерация, гистология, микротом, микрофото, паренхима.

Куёнлар орасида эймериознинг тарқалишини аниқлаш, хўжаликларда ва аҳоли қўлида эймериозга гумон қилинган куёнларни патанатомик ёриб кўриш, патологоморфологик ва гистологик текширишлар орқали яқуний ташхислаш бугунги куннинг муҳим масаласидир.

Тадқиқотлар Оқдарё тумани, Пичокчи маҳалласида жойлашган “Тарнов сабзавотлари” қўп тармокли фермер хўжалигида боқилаётган куёнларда олиб борилди. Касалликка гумон қилинган ва ўлган куёнлар гавдаси Самарқанд ветеринария медицинаси институти “Хайвонлар анатомияси, гистология ва патологик анатомия” кафедраси қошидаги “Тавда ёриш хонаси”да ёриб кўриб ўрганилди.

Куён эймериози. Куёнларнинг ўткир ва сурункали оқимда кечувчи протозооз касаллиги бўлиб, бир неча турдаги эймериялар куёнлар ичагининг эпителиал хужайраларида ва жигарда паразитлик қилиш оқибатида содир бўлади. Касаллик Республикамининг барча ҳудудларида, жумладан, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм, Наманган вилоятларида кенг тарқалган. Касаллик бир хужайрали паразитлар томонидан чакирилиб, қуйидагича таснифланади: хайвонот олами *Protozoa*, тип *Apicomplexa*, синф *Sporozoa*, кенжа синф *Coccidia*, туркум *Coccidia*, оила *Eimeriidae*, авлод *Eimeria*. Ҳозирги вақтда куёнларда эймериоз қўзғатувчиларининг 12 тури аниқланган. *E.magna*, *E.media*, *E.intestinalis*, *E.perforans* ва бошқалари ичакда, битта тури *Eimeria stiedae* жигарда паразитлик қилади. Эймериялар жинсиз мерогония ва шизогония, жинсий гаметогония йўли билан кўпаяди.

Эймериоз билан ёш куёнлар 1,5 ойликдан – 4 ойликкача кучли зарарланади ва 70-100 фоизгача

Summary

Eymeriosis is the most common protozoal disease of young rabbits, from the number of goblets, growth retardation and increased susceptibility to various infectious and other diseases.

нобуд бўлиши кузатилади. Катта ёшдаги куёнлар эймерияларни ташувчи бўлиб хизмат қилади.


Клиник белгилари. Касалликнинг яширин даври 2-3 кун, касаллик ўткир ва ўткир ости кечади. Аммо кучсиз инвазия қайта зарарланиш (юқиши) натижасида сурункали кечади. Касаллик патологик жараёнларнинг кечиш шаклига қараб, уч хил – ичак, жигар ва аралаш ҳолда кечади. Касал куёнларда ҳолсизланиш, иштаҳанинг бузилиши, қориннинг дамлаши, ич кетиш, шиллиқ қаватларнинг сарғайиши каби умумий белгилар кузатилади. Куёнлар ориқлайди, баъзиларида ҳаракат функциялари бузилади, қалтирайди. Ичак шаклида эса клиник белгилари жуда характерли, касаллик 10-15 кун, жигар шакли эса 50 кун давом этади. Кўпинча ҳар иккала шакл бир вақтда кечади (аралаш), тузалган куёнлар 1-4 ҳафта давомида эймериялар ооцистларини чиқариб туради ва соғлом хайвонларни зарарлайди.

Тадқиқотлар натижаси ва уларнинг таҳлили. Дастлаб куён эймериозига гумон қилиниб келтирилган 10 бош куёнлар текширилди. Ушбу куёнларда ҳолсизланиш, кулоқларининг осилганлиги, анал тешиги атрофи ич кетиши оқибатида ахлат билан ифлосланганлиги бундан ташқари, шиллиқ қаватларнинг сарғайиши каби умумий клиник белгилар яққол намоён бўлди, ҳамда куёнлар жуда ориқлаганлиги, қалтираши ва ҳаракат функциясининг бузилишлари ҳам кузатилди.

Эймериозга гумон қилинган ва ўлган жами 10 бош куёнлар “Эвисерация” усули билан патанатомик ёриб кўрилганда, ичакларда гиперимия, ингичка ичак шиллиқ қаватларининг катарал яллиғланиши аниқланди. Ичак йўлида суюқлашган озуқалар, кўр ва чамбар ичакларда газ тўпланганлиги, ичаклар



1-расм.
Эймериозда ичак шиллик
қаватларида некроз ўчоқлари.



2-расм.
Ичак шиллик қаватларида
катарал яллиғланишлар.



3-расм.
Жигар қобигида ва паренхимасида
эймериоз тугунчалари.

зардоб пардаларида эймерия ооцисталари жойлашган оқ рангдаги доғлар аниқланди. Жигарнинг катталашганлиги, ўт йўллари кенгайиши, жигар қобигида ва паренхимасида оқимтир йўллар, тугунчалар, бўртиқчалар, кесиб кўрилганда эса кўкимтир яримсуёқ масса аниқланди.

Жигар тўқимасидан ва ичаклардан гистологик текшириш учун патматериаллар олинди. Уларни дастлаб 10 % ли формалинда қотириб (фиксация) олиб, сўнгра формалинни кеткизиш учун 12 соат давомида оқар сувда ювилди. Сувсизлантириш босқичида эса 50-90 % ли спиртдан фойдаланилди. Парафинли блоклар тайёрланиб, гематоксилин ва эозин бўёқларида бўйаш учун микротомда кесмалар кесиб олинди. Тайёрланган гистопрепаратлар микрофотода Леисага суратга олинди. Гистопрепаратларда кўп микдордаги эймерия ооцисталари, улар жойлашган тўқималарда некроз ўчоқлари аниқланди. Айрим ичаклардан тайёрланган препаратларда ҳам эймерия ооцисталари топилди.

Тадқиқотларимиз натижасида ичакларда катарал, геморрагик яллиғланиш, жигар тўқимасининг атрофияга учраши ҳамда ўт йўлларида бириктирувчи тўқиманинг ўсиши каби характерли ўзгаришлар аниқланди. Микроскопик текширишларимизда юмалоқ ёки эллипс шаклидаги етилган эймерия ооцисталари аниқланди ва хўжаликда ўткир оқимда эймериоз кечаётганлиги ҳақида яқуний хулосага келинди.

Дифференциал диагноз. Эймериоз пастереллёз, трихомоноз ва гистомоноз касалликларидан фаркланади. Пастереллёзда умумий сепсис, ўпкада яллиғланиш характерли бўлса, гистомонозда жигарда некроз ўчоқлари ва геморрагик инфильтрация, трихомоноз оғиз шиллик қаватларининг дистрофик

яллиғланиши билан фарқ қилади.

Эймериоз юқоридаги касалликлардан кўзгатувчиси ҳамда ичак шиллик қаватидаги ўзгаришлар билан фарқ қилади.

Хулосалар:

1. Куёнларни клиник, патологоанатомик ва гистологик текширишлар натижалари, ингичка ичаклар ва жигардаги ўзгаришлар таҳлилига кўра эймериозга ташхис қўйилди.

2. Ингичка ичакларнинг шиллик қавати ва некротик ўчоқлардан ооцисталарнинг топилиши касаллик ташхисини тасдиқлайди.

3. Куёнларнинг ичак ва жигаридан топилган ооцисталарнинг шакли, ранги, тузилиши таҳлил қилинганда, *Eimeria stidae*, *E.magna*, *E.media* турларига мансуб эканлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Вершинин И.И. Кокцидиозы животных и их дифференциальная диагностика. Екатеринбург, 1996 г.
2. Жаров А.В. Патологическая анатомия животных. Учебник Издательство «Лань», Москва, 2013 г.
3. Ибадуллаев Ф.И. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг патологик анатомияси. Тошкент, «Ўзбекистон» 2000 й.
4. Меркулов Г.А. Курс патологистологической техники. Ленинград.: «Медицина», 1969.- С. 346
5. Прудников В.С., Герасимчик В.А. Болезни кроликов. Витебск, 2018. – С. 175
6. Шевченко А.А., Шевченко Л.А., Литвинов А.М. Болезни кроликов. Москва 2007 г.
7. Гофуров А.Ғ., Давлатов Р.Б., Расулов У.И. Ветеринария протозоологияси. Самарқанд, 2013. 114 б.

УЎК. 636.5:591.471.3:543.8

Дилмуродов Насриддин Бабакулович, в.ф.д., профессор,
Дониёров Шохрух Зафарович, таянч докторант,
Самарқанд ветеринария медицинаси институти

БРОЙЛЕР ЖЎЖАЛАР СОН СУЯГИ ТАРКИБИДАГИ КУЛ ВА УМУМИЙ ОРГАНИК МОДДАЛАР МИҚДОРИНИНГ ПОСТНАТАЛ ОНТОГЕНЕЗДА ЎЗГАРИШИ

Аннотация

Изучена динамика изменения количества золы и общих органических веществ в составе бедренной кости в постнатальном онтогенезе цыплят-бройлеров. Отмечено увеличение относительного количества золы и уменьшение относительного количества общего органического вещества в составе бедренной кости с первого дня до 35-дневного возраста постнатального онтогенеза цыплят-бройлеров; наблюдалось более интенсивное течение процесса повышения относительного количества золы и понижения относительного количества общего органического вещества в составе бедренной кости до 14-го дня постнатального онтогенеза цыплят-бройлеров.

Калим сўзлар: парранда, жўжа, бройлер, постнатал онтогенез, сон суяги, кул модда, органик модда, ўсиш коэффициенти, нисбий миқдор, тажриба, пробиотик.

Кириш. Бугунги кунда паррандачиликда самардорликни оширишда экологик хавфсиз пробиотиклар кенг қўлланиб келинмоқда. Пробиотикларнинг паррандалар постнатал онтогенезининг турли босқичларидаги таъсири, барча органлари сингари ихтиёрий ҳаракат органларининг морфогенезига таъсири аниқлаш илмий-амалий аҳамиятга эга.

Бройлер жўжалар постнатал онтогенезида скелет тизимининг морфологик ўзгаришлари ўрганилган бўлиб, “Росс-308” кроссли бройлер жўжалар умуртқа поғонасининг кўкрак бўлими морфологик ўзгаришлари постнатал онтогенез давомида жадал кечиши аниқланган [7]. Муаллифларнинг маълумотларига кўра, суяк тўқималарининг фаол шаклланиши бройлер жўжаларда 1 суткаликдан 10 суткаликкача ва 10 суткаликдан 20 суткаликкача бўлган даврда юқори кўрсаткичга етади, қайсики мускул массасининг максимал етилишини таъминлайди. Тўқималар морфогенези доимий равишда ўзгариб, бу функцияларнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлган унинг қайта қурилиши фаол кечиши ва аниқ вақт оралиғида суяк муҳим вазифани бажаришидан далолат беради.

Рацион таркибига “Пролам”, “Моноспорин” ва “Бацелл” пробиотикларини қўшиб бериш қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандалар тирик вазнининг ўртача суткалик ортишини 23,0 % гача, сақланишини 8,5 % гача таъминлаши илмий-тадқиқотлар натижасида аниқланган [2].

Айрим муаллифлар маълумотларига кўра, бройлер жўжалар организмда кечадиган ўзгаришлар хусусияти кўпроқ уларнинг тури ва препаратларни қўллаш, камроқ индивидуал ва ёшига боғлиқ. “Ветом 3.3” ва

Summary

The dynamics of changes in the amount of ash and total organic matter in the composition of the femur in the postnatal ontogenesis of broiler chickens has been studied. An increase in the relative amount of ash and a decrease in the relative amount of total organic matter in the femur from the first day to 35 days of age of postnatal ontogenesis of broiler chickens were noted; a more intensive course of the process of increasing the relative amount of ash and a decrease in the relative amount of total organic matter in the femur was observed until the 14th day of postnatal ontogenesis of broiler chickens.

“Ветом 4” пробиотикларини қўллаш жўжаларнинг физиологик мақомига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланган [9].

Паррандалар организмга стресслар кучли таъсир кўрсатиб, бу ҳолат улар организмда гомеостазнинг бузилиши, ичакларда сут кислотали бактериялар миқдорининг кескин камайиб кетишига олиб келади ва бунда пробиотиклар ижобий таъсир кўрсатиши илмий асосланган [10].

Бройлер жўжаларни биоспорин пробиотик билан озиклантириш мускул тўқималарининг ривожланишини 2,38 % га, глауконитни 2,98 % га, уларни комплекс қўллаганда 3,88 % га, танасининг истеъмолга яроқли қисмини эса 3,2 % га ортишига олиб келиши тадқиқотлар натижасида ўз исботини топган [4, 8].

Бройлер-жўжалар ўқ ва периферик скелети суякларининг органик матрицалари минерал тўйиниши эртачи постнатал онтогенези босқичида ортиши ва боқишнинг якуний босқичларида ўзининг максимум даражасини эгаллаши аниқланган [3]. Муаллиф маълумотларига кўра, барча ёшларда минерал тўйиниш катта болдир суягида сон суягига нисбатан юқори бўлади. Шунингдек, суяк тўқимаси минерализациясининг критик босқичлари аниқланган, яъни бошланғич босқич – 14 суткалик ва якуний босқич – 35 суткалик ёшга тўғри келиши, текширилган суякларда Са:Р нисбати постнатал онтогенезнинг эртачи босқичида бирмунча ортиши кузатилган.

Бройлер жўжалар рационига марганец аскорбини қўшиб берилиши натижасида суяк тўқимасининг органик матрицасининг шаклланиши ва унинг минералланишига миқдорий ва сифатий ўзгаришлар рўй

бериши, постнатал онтогенезнинг эртаги босқичида, 1 суткаликдан 14 суткаликка қадар органик ва минерал компонентлар метаболизмида яққол ўзгаришлар намоён бўлиши аниқланган [6]. Муаллифнинг маълумотларига кўра, бунда азот, ноколлаген оксиллар, гексозамин ва сувнинг камайиши, суяк тўқимасида кул моддасининг ортиши кузатилиб, бу ўз навбатида минералланиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатиши, жўжалар периферик ва ўқ скелетининг механик мустаҳкамлигини таъминлаши қайд этилган.

И.В.Мирошниченконинг маълумотларига кўра, бройлер-жўжалар бир тонна озукаси таркибига 1170 г марганец цитрат қўшиб берилиши суяк тўқимасида марганец миқдори 21,9 % га ошириши, парваришланишнинг бутун даври давомида тоннасига 1010 г қўшилиши эса 3,3 % га камайтириши кузатилади [5].

Бройлер жўжалар рационига витабелмин қўшиб берилганида, суяк тўқималари таҳлили минерал моддалар миқдорининг ошишини кўрсатган [1]. Жўжалар организмга Zn ва Mn енгил ҳазмланиш шаклида тушиши натижасида елка суягида 4,12 % ва 0,53 %, сон суягида эса 7,73 % ва 10,68 % га кўпайиши аниқланган.

Материаллар ва методлар. Илмий текшириш ишлари Самарқанд вилояти “Дарғом парранда фйз” МЧЖдан олиб келинган 1 кунлик “РОСС 308” кроссига мансуб бройлер жўжаларнинг суяклари устида олиб борилди. Ҳар бирида 40 бошдан жўжалар бўлган 4 та гуруҳга ажратилди. Барча гуруҳ жўжалари бир хил таркибли рационда озиклантирилди. Биринчи гуруҳ жўжаларига фақат озуқа ва сув бериб борилди; иккинчи гуруҳ жўжаларига озуқа, сув ва хўжалик шароитида ўтказиладиган эмлаш, профилактик дори воситалари бериб борилди; учинчи ва тўртинчи гуруҳ жўжалар кунлик сувига 7 кун давомида СамВМИ мутахассислари томонидан ажратиб олинган *Bacillus subtilis*дан тайёрланган пробиотиклар, яъни учинчи тажриба гуруҳи жўжаларига озуқа, сув ва 0,04 мл пробиотиклар 1 кунлигидан 7 кунлик даврига қадар қўшиб бериб борилди; тўртинчи тажриба гуруҳи жўжаларига 0,08 мл пробиотиклар шу давр мобайнида қўшиб бериб борилди. Морфометрик ўлчамлар тажрибанинг 1-, 7-, 14-, 21-, 28- ва 35-кунларида олинди.

Органларнинг чизиқли ўлчамлари ҳамда оғирликларини аниқлашда Н.П.Чирвинский томонидан қўлланилган ҳамда Самарқанд ветеринария медицинаси институти олимлари (Д.Х.Нарзиев, М.Х.Алламуродов, А.С.Даминов, Р.М.Таштемиров, Н.Б.Дилмуродов) томонидан такомиллаштирилган ва жорий қилинган умумморфологик услублардан фойдаланилди.

Тадқиқотлар натижасида олинган барча рақамий маълумотлар Е.К.Меркурьева услуби бўйича математик ишловдан ўтказилди.

Математик-статистик таҳлил Студент ва Фишер мезонлари ёрдамида компьютернинг Microsoft excel электрон жадвалида бажарилди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Тадқиқотлар натижасида бройлер жўжалар постнатал онтогенезида суяклар таркибидаги кул моддаси ва умумий органик моддалар миқдорининг ўзгариб бориши ўзига хос динамикани намоён қилиши қайд этилди.

Сон суяги таркибидаги кул моддасининг миқдори биринчи тажриба гуруҳидаги бройлер жўжалар постнатал онтогенезининг 1-кунида $32,12 \pm 0,4$ % га тенг бўлиб, 7 кунликда бу кўрсаткич деярли ўзгармасдан ($33,33 \pm 0,43$ %, $K = 1,04$; $p < 0,02$), 14 кунликда бирмунча жадал ортиши ($38,39 \pm 0,66$ %, $K = 1,15$; $p < 0,02$) ва кейинги ўрганилган босқичларда сезиларсиз ўзгариб бориши, яъни 21 кунликда $39,53 \pm 0,66$ % ($K = 1,03$) га, 28 кунликда $39,25 \pm 0,87$ % га, 35 кунликда эса $38,86 \pm 1,02$ % ($K = 0,99$; $p < 0,03$) га тенг бўлиши аниқланди. Суяк таркибидаги умумий органик модданинг нисбий кўрсаткичи мазкур тажриба гуруҳи бройлер жўжаларнинг 1 кунлигида бирмунча юқори ($67,88 \pm 0,4$ %; $p < 0,01$) бўлиб, постнатал тараққиётнинг кейинги ўрганилган кунлари мобайнида кул моддасига тескари уларок, камайиб бориши кузатилди. Яъни, бу кўрсаткич 7-кунда $66,67 \pm 0,43$ % ни, 14-кунда $61,61 \pm 0,66$ % ($K = 0,92$; $p < 0,02$) ни, 21-кунда $60,47 \pm 0,66$ % ни, 28-кунда $60,75 \pm 0,87$ % ни, 35-кунда $61,14 \pm 1,02$ % ($p < 0,02$) ни ташкил этиши аниқланди.

Иккинчи тажриба гуруҳи бройлер жўжалар сон суяги таркибидаги кул моддаси миқдори постнатал онтогенезнинг дастлабки кунида $32,24 \pm 0,7$ % га тенг бўлиб, 14-кунда жадал ортиши ($38,45 \pm 0,89$ %, $K = 1,16$; $p < 0,03$) ва кейинги босқичларда бир маромда кўтарилиб бориши, яъни 21-кунда $39,68 \pm 0,64$ % ($K = 1,03$) ни, 28-кунда $39,95 \pm 0,89$ % ни, 35-кунда $39,14 \pm 0,5$ % ($K = 0,98$; $p < 0,02$) ни ташкил қилиши кузатилди. Ушбу гуруҳдаги бройлер жўжалар сон суягининг умумий органик моддаси миқдори 1-кунда $67,85 \pm 0,62$ % ни ташкил қилиб, постнатал онтогенезнинг 7-кунида $66,76 \pm 0,7$ % ($K = 0,98$; $p < 0,02$) гача, 14-кунида $61,55 \pm 0,89$ % гача, 21-кунида $60,32 \pm 0,64$ % ($K = 98$; $p < 0,02$) гача, 28-кунида $60,05 \pm 0,89$ % ($K = 0,99$) гача, 35-кунида $60,86 \pm 0,5$ % гача тушиб бориши қайд этилди. Бройлер жўжалар постнатал тараққиётининг ўрганилган босқичлари мобайнида сон суяги таркибидаги кул моддасининг нисбий кўрсаткичини ўсиш коэффициенти 1,21 мартагача ортгани ҳолда, умумий органик модданинг нисбий кўрсаткичи 0,9 мартага тушиши кузатилди.

Учинчи тажриба гуруҳи бройлер жўжалар сон суяги таркибидаги кул моддасининг нисбий миқдори улар постнатал ривожланишининг дастлабки биринчи кунида $32,11 \pm 0,44$ % ни ташкил этиб, 7-кунда уни $34,2 \pm 0,71$ % гача, 14-кунда эса $39,77 \pm 0,81$ % ($K = 1,16$; p

< 0,02) гача ортиши ва кейинги кунларда бу кўрсаткич сезиларли ўзгармаслиги, яъни 21-кунда $40,82 \pm 0,54$ % га, 28-кунда $39,46 \pm 0,5$ % га, 35-кунда $38,91 \pm 0,56$ % ($K = 0,97$; $p < 0,02$) га тенг бўлиши қайд этилди. Сон суяги таркибидаги умумий органик модданинг нисбий миқдори бройлер жўжалар постнатал онтогенезининг 1-кунидан 14-кунига қадар $67,89 \pm 0,44$ % дан $60,23 \pm 0,81$ % гача ёки ўсиш коэффициенти 7 кунликка нисбатан 0,92 мартагача пасайиши ҳамда ўрганилган кейинги кунларда сезиларсиз ўзгариши, яъни 21-кунда $59,18 \pm 0,54$ % га, 28-кунда $60,54 \pm 0,5$ % ($K = 1,02$; $p < 0,01$) га, 35-кунда эса $61,09 \pm 0,56$ % га тенг бўлиши кузатилди.

Тўртинчи тажриба гуруҳи бройлер жўжалар постнатал онтогенезининг дастлабки кунда сон суяги таркибидаги кул моддаси нисбий миқдори $32,15 \pm 0,46$ % га тенг бўлиб, у 7-кунда $34,35 \pm 0,69$ % гача, 14-кунда эса $39,91 \pm 0,76$ % ($K = 1,16$; $p < 0,02$) гача, 21 кунликда $40,98 \pm 0,88$ % гача ортиши, 28 кунликдан 35 кунликка қадар сезиларсиз, яъни $39,19 \pm 0,7$ % дан $38,22 \pm 0,95$ % га камайиши қайд этилди. Суяк таркибидаги умумий органик модда миқдори бройлер жўжаларнинг 1 кунлигида бирмунча юқори бўлиб, $67,85 \pm 0,46$ % ни ташкил этади ва 7 кунликда $65,65 \pm 0,69$ % гача, 14 кунликда са $60,09 \pm 0,76$ % ($K = 0,92$; $p < 0,02$) гача камайиб бориши, 21 кунликда $59,02 \pm 0,88$ % га тушсада, 28 кунликда $60,81 \pm 0,7$ % га, 35 кунликда $61,78 \pm 0,95$ % ($K = 1,01$) га тенг бўлиши кузатилди. Бройлер жўжалар сон суяги таркибидаги кул модда нисбий миқдорининг ўсиш коэффициенти постнатал онтогенезининг дастлабки кунидан 35 кунлигига қадар 1,19 мартагача кўтарилиб, умумий органик модда нисбий миқдорининг ўсиш коэффициенти эса 0,91 мартагача тушиши аниқланди.

Хулоса:

- бройлер жўжалар суяклари таркибида минерал моддалар жуда кўп тўпланиши ва ўз навбатида умумий органик моддалар миқдори нисбатининг пасайиши хусусияти билан боғлиқ равишда, сон суяги таркибидаги кул моддаси нисбий миқдорининг постнатал онтогенезининг дастлабки кунидан 35-кунига қадар ортиб бориши, умумий органик модданинг нисбий миқдори эса шу давр мобайнида камайиб бориши қайд этилди;

- барча тажриба гуруҳлари бройлер жўжалари сон суяги таркибидаги кул моддасининг нисбий миқдори ортиши ҳамда умумий органик модданинг нисбий миқдори камайиш жараёни постнатал онтогенезининг 14-кунига қадар бирмунча жадал кечиши кузатилди;

- сон суяги таркибидаги кул модда ва умумий органик модда нисбий миқдорининг ўзгариши айниқса, кунлик сувига 0,08 мл пробиотиклар қўшиб берилган 4-тажриба гуруҳи бройлер жўжаларда 35-кунда кул модданинг ортиши ва умумий органик модданинг ка-

майиш жараёнини бошқа тажриба гуруҳидагиларга қараганда биров паст бўлиши билан характерланди;

- тажрибалардан олинган натижалар асосида пробиотиклар бройлер жўжалар ошқозон-ичак йўли микрофлорасини яхшилаши ҳисобига улар организмда моддалар алмашинуви жараёнини кучайтириши ҳамда оқибатда суяк таркибида айниқса, кальций ва фосфат тузлари захираси ортишини инобатга олиб, постнатал онтогенезининг дастлабки кунидан 35-кунига қадар 0,08 мл пробиотикларни сувига қўшиб бериш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Галашов В.В. Витабелмин в кормлении цыплят-бройлеров. Автореф. дисс...канд.биол.наук. Москва, 2012. -20 с.
2. Горковенко Л.Г., Чиков А.Е., Кононенко С.И., Скворцова Л.Н., Омельченко Н.А., Пышманцева Н.А. и др. Наставления по применению пробиотических препаратов «Пролам», «Моноспорин» и «Бацелл» в птицеводстве (от инкубации до забоя птицы) // Краснодар, 2011. -29 с.
3. Косов А.В. Формирование костной ткани и её минерализация у цыплят-бройлеров при использовании витаминно-минеральной добавки. Автореф. дисс... канд. биол.наук. Боровск, 2009. -25 с.
4. Матросова Ю.В., Магакян В.Ш. Влияние глауконита и пробиотика на показатели крови цыплят-бройлеров // Кормление сельскохозяйственных животных и кормопроизводство. 2013. №3. -С. 50-54.
5. Мирошниченко И.В. Обмен минеральных веществ и продуктивные качества цыплят-бройлеров при скормливании марганца цитрата. Автореф. дисс...канд.биол. наук. Белгород, 2008. -18 с.
6. Панина Н.В. Минеральный обмен и формирование костной ткани у цыплят-бройлеров при скормливании марганца аскорбината. Автореф. дисс...канд.биол.наук. Курск, 2006. -23 с.
7. Сельманович П.А., Мацинович А.А., Якименко В.П. Морфология грудного отдела позвоночного столба цыплят-бройлеров кросса «Росс-308» в постнатальном онтогенезе // Ученые Записки УО ВГАВМ, т.50, вып. 2, ч. 1, 2014. -С. 220-224.
8. Швыдков А., Чебаков В., Килин Р., Курбатов А., Ланцева Н. Обоснование применения пробиотиков в бройлерном производстве // Птицеводство. -2012.-№12. -С. 44-48.
9. Nozdrin G.A., Berkold Yu.I., Ivanova A.B., Demina E.N. Influence of probiotics on slaughter qualities of broiler chickens of the smena-4 cross // Biology, Economics and Education: Proceedings of the international Scientific Conference «Biology, Economics and Education» (June 28-29, 2007, Novosibirsk SAU). - Novosibirsk, 2008. -P. 149-151.
10. Meixner B., Flachowsky G., Hennig A. Zur wirksamkeit der probiotika in der Tierproduktion. Tierzucht, 1989. - 4.3. 2:71-72.

УДК:636.5:619:615:633.88:616

Рўзикулов Рахматулло Файзуллаевич, в.ф.н., доцент,
Абдурахмонова Зилола Тошмаматовна, магистр,
Самарқанд ветеринария медицинаси институти**БЎЙМОДАРОН (ACHILLEA MILLEFOLIUM) ЎСИМЛИГИ
ҚАЙНАТМАСИ ЁКИ КУКУНИНИНГ САНОАТЛАШГАН
ПАРРАНДАЧИЛИКДА УМУМИЙ АНТИИНФЕКЦИОН
РЕЗИСТЕНТЛИКНИ ОШИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ****Аннотация**

В данной статье представлены результаты проведенных исследований настойки или порошка тысячелистника обыкновенного (*Achillea millefolium*) по изучению особенности повышения общей антиинфекционной резистентности в промышленном птицеводстве.

Калит сўзлар: бўймодарон, саноатлашган паррандачилик, антиинфекцион резистентлик, сальмонеллез, инфекция яллиғланиш, ноинфекцион яллиғланиш, хамазулен ва ахиллеин глюкозид-альколоидлари, флаванонид.

Мавзунинг долзарблиги. Маълумки, барча юкумли касалликлар вируслар ёки бактериялар қўзғатишидан қатъий назар, яллиғланишлар билан кечади. Фақат қутириш касаллиги бундан мустасно бўлиши мумкин. Худди шунингдек, аксинча, барча ноинфекцион яллиғланишлар ҳам ўз навбатида вирус ва бактерияларнинг инвазивлигини оширади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам яллиғланишни сўндирувчи препаратларни топиш ва қўллаш орқали умумий антиинфекцион қувватни оширишга эҳтиёж туғилади. Бу айниқса, юқори маҳсулдор товуқ кроссларида тухумлаш авжга чиқаётган дастлабки босқичларда ёш товуқлар гениталиясида кузатиладиган ноинфекцион яллиғланишларни инфекцияга айланиб кетишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда олиб бораётган тадқиқотларимиз саноатлашган паррандачиликда сальмонеллезнинг спорадикдан энзоотикка ўтишининг заминида айнан шу феномен ётганлигидан далолат бермоқда [1,2,3].

Summary

This article presents the results of studies carried out on tincture or powder of yarrow (*Achillea millefolium*) to study the features of increasing general anti-infectious resistance in industrial poultry farming.

Бирок, инфекция яллиғланишларга қарши ҳам, ноинфекцион яллиғланишларнинг инфекцияга айланиб кетишининг олдини олиш учун ҳам, фақат антибиотиклардан фойдаланиш патоген бактерияларнинг антибиотикка резистентлигини ошириб боришга боғлиқ муаммоларни келтириб чиқармоқда [4].

Муаммога бундай бир тарафлама ёндашишни бартараф қилиш медицина учун ҳам, ветеринария учун ҳам долзарб бўлиб турибди.

Материаллар ва методлар. Тадқиқотлар Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги “Чимқўрғон паррандалари” фермер хўжалигида, Самарқанд туманидаги “Mironqul agrozoovetservis ilmiy-amaliy markazi” ва Ветеринария илмий-тадқиқот институтида олиб борилмоқда. Тадқиқотлар бройлер жўжалари ва Декалб кроссига мансуб тухум бераётган товуқларда ўтказилди. Бройлер жўжаларнинг қон зардобидagi сальмонеллез ва пастереллез қўзғатувчиларига қарши антителолар титри Райтнинг агглютинация реакцияси



1-расм. Хўжалик даласида ўсаётган бўймодарон.



2-расм. Гуллаш фазасида йиғиб олинган бўймодарон.

билан аниқланди. Технологиямизни яратиш учун шифобахш ўсимликларга доир ўзимизда мавжуд бўлган адабиётларни ва интернет маълумотларини таҳлил қилишимиз натижаларига кўра, яллиғланишларга қарши энг кучли таъсир қилувчи ўсимлик бўймодарон, яъни *Achillea millifolium* эканлиги аниқланди [5,6,7,8].

***Achillea millifolium*.** Евроосиёнинг барча ўрта кенгликларида ўсадиган бир йиллик ўтсимон ёввойи ўсимлик бўлиб, тиббиёт фармацевтикасида маданийлаштиришга ҳам киришилган. Бўймодарон “Қокиўтдошлар” оиласига мансуб бўлиб, Ўзбекистонда унинг 5 тури ўсади. Бўймодароннинг саватча-мураккаб гуллари оқ, пушти, қизил ёки сариқ бўлиши мумкин. Халқ табobatiда бўймодарон бошог'риқ дори номи билан маълум [8].

Бўймодароннинг фармацевтик таъсири яллиғланишни кучли сўндирувчилиги билан бир қаторда тромбозлар ҳосил қилмасдан, қон кетишини тўхтатиш хусусияти ҳам муҳим [6]. Чунки юқори маҳсулдор товукларнинг тухумлаш авжга чиққан даврида гемorroидал ҳолатлар содир бўлиб, қонга булганган тухумлар қайд қилинади.

Бўймодароннинг яллиғланишга ва қон кетишга қарши таъсирини таъминловчи моддалар сифатида ўсимликнинг гули, барги ва новдаларидаги қатор биологик актив моддалар таъминлаши аниқланган [5,6,7,8].

Бу моддалар ичида хамазулен ва ахиллеин глюкозид-альколоидлари етакчилик қилиши аниқланган. Улар тўқималар регенерациясини яхшилаб, яраларнинг битишини тезлаштириши ҳам исботланган.

Бундан ташқари, ўсимлик таркибидаги флаваноидлар ҳам умумий ижобий фармацевтик таъсирга ҳисса қўшиши, миқдори кам бўлгани боис эътиборга олинмаган. Бироқ бизнинг бошқа йўналишда олиб борилаётган тадқиқотларимиз яраларнинг битишида, яъни тўқималар регенерациясида флаваноидлар етакчи рол ўйнаётганлигини кўрсатмоқда.

Тадқиқотлар натижалари ва уларнинг таҳлили. Ўтказилган тадқиқотларимизда бройлер жўжаларга ҳам, товукларга ҳам йиғма тана вазни 50 кг бўлганларга

1 г дозаси қўлланилди. Бунда мўлжал сифатида ўртача вазндаги одам учун тавсия қилинаётган доза олинди. Бўймодарон гул-барг-новда қуқунидан тайёрланган қайнатма жўжаларга сув билан берилди. Товукларга гиёҳ қуқуни қуруқ ҳолда емга қўшиб берилди.

Бройлер жўжалардаги тадқиқотлар 3 та тажриба ва 1 та назорат гуруҳида ўтказилди. Ҳар бир гуруҳда 30 бошдан жўжа бўлди. Биринчи гуруҳ жўжаларга дастлабки олти кун давомида оху-доху антибиотиғи инструкция бўйича берилди. Иккинчи гуруҳга оху-доху ва тўрт ҳафта давомида бўймодарон қайнатмаси берилди.

Учинчи гуруҳга тўрт ҳафта давомида фақат бўймодарон қайнатмаси берилди.

Тўртинчи – назорат гуруҳи фақат рацион билан боқилди.

Барча гуруҳ жўжаларининг 7, 14, 21, 28 кунликларида йиғма тана вазни алоҳида ўлчаб борилди ва қон зардобидидаги сальмонеллез ва пастереллез кўзгатувиқларига қарши антителилар титри аниқланди.

Бройлер жўжалардаги тадқиқотлар оху-доху антибиотиғи, оху-доху ва бўймодарон берилган ва фақат бўймодарон берилган уччала гуруҳда ҳам йиғма тирик вазнининг ўсиши бир-биридан статистик фарқ қилмагани ҳолда назорат гуруҳиникидан ҳар ҳафтада 30-40 %га юқори бўлганлигини кўрсатди (1-жадвал).

1-жадвал.

Бройлер жўжаларининг тирик вазни бўйича олинган маълумотлар (г)

Бройлер жўжаларининг ёши	1-гуруҳ (оху-доху антибиотиғи берилган)	2-гуруҳ (оху-доху+ бўймодарон берилган)	3-гуруҳ (фақат бўймодарон берилган)	4-гуруҳ (фақат тоза сув берилган)
1-ҳафта	160	159	160	155
2-ҳафта	455	451	455.1	406.3
3-ҳафта	849	850	849	718
4-ҳафта	1370	1376	1376	1298



1-расм. Антибиотик берилган.



2-расм. Бўймодаронсиз антибиотик берилган.



3-расм. Бўймодарон берилган.



4-расм. Фақат рацион берилган.

Бройлер жўжаларнинг қон зардобидаги агглютинация реакциясидаги антителолар титри фақат бўймодарон берилган гуруҳда сальмонеллэз кўзгатувчисига қарши статистик тасдиқланган юқори титрни кўрсатди. Қолган гуруҳларда титр статистик фарқ қилмаган ҳолда, паст даражалар қайд қилинди (2-жадвал).

2-жадвал.

Бройлер жўжаларнинг қон зардобидаги сальмонеллэз кўзгатувчисига қарши антителолар титри

№	1-гуруҳ (олти кун оху- доху антибио- тиги берилган)	2-гуруҳ (оху-доху+ бўймодарон берилган)	3-гуруҳ (фақат бўймо- дарон берилган)	4-гуруҳ (фақат тоза сув берилган)
1	1:25	1:25	1:200	-
2	1:100	1:25	1:200	1:25
3	1:50	-	1:50	-
4	1:25	1:25	1:25	1:25
5	1:25	1:25	-	1:25
6		1:50		
7		1:50		
8		1:25		

Товуқлардаги тадқиқотлар оху-доху антибиотики ёрдамида сальмонеллэз энзоотияси тўхтатилган, маҳсулдорлиги 95 % дан 89 % га тушган 2265 бош 13 ойлик товуқларда ўтказилди. Товуқларга икки ой давомида бўймодарон кукуни берилди ва беш ой давомида маҳсулдорлик ва тирик сақланиш натижалари қайд қилиниб келинмоқда. Бундан ташқари, ёнғоқ шакли ва катталигидаги тухумлар туғилиши ҳам назоратга олинди.

Товуқларда ўтказган тадқиқотларимиз оху-доху антибиотики билан сальмонеллэз энзоотияси тўхтатилган 13 ойлик товуқларда рационга икки ой давомида бўймодарон кукуни берилиши натижасида 89% маҳсулдорлик беш ойдан бери стабил сақланиб турибди. Товуқларнинг тирик сақланиш кўрсаткичи эса 93% ни ташкил қилмоқда.

Сўнгги 10 йил давомидаги ҳисоб-китобларимизга кўра, 18-19 ойлик товуқларда маҳсулдорлик 70%га, тирик сақланиши эса 85%га тушиб кетиши одатий норма сифатида қабул қилиниб келинар ва товуқлар сўйилиб, реализацияланар эди.

Икки ой давомида бўймодарон кукунини қабул қилган товуқлар популяцияси 19 ойлигида ҳам ишлаб чиқариш рентабеллигини таъминлаб турибди.

Бундан ташқари, кунда 6-8 тагача қонга булғаниб тухум туғилиши батамом тўхтатилмаган бўлса-да, 2-3 тага туширилди.

Энг муҳими, оху-доху антибиотики билан сальмонеллэз энзоотиясининг тўхтатилиши ҳам, емга бўймодарон кукуни қўшилиши ҳам сальмонеллэзда

тухумдон патологиясининг энг патогномоник белгиси бўлмиш ёнғоқдек шакл ва катталикидаги тухумлар туғилишини батамом тўхтатди.

Хулосалар. 1. Бўймодарон бройлер жўжаларнинг ўсиш ва ривожланишини 30% га оширади.

2. Бўймодарон бройлер жўжаларда сальмонеллэзга қарши антителолар ишлаб чиқарилишини стимуллайтиди.

3. Бўймодарон товуқлар маҳсулдорлиги ва тирик сақланиб қолиш кўрсаткичларини турғунлаштиради.

4. Бўймодароннинг фармацевтик таъсирида ҳамазулен ва ахиллеин билан бир қаторда флаваноидлар ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. М.Абдуллаев, Б.Сайиткулов, Р.Ф.Рўзикулов, Р.Р.Мирсаидова. “Товуқларда умумий антиинфекцион резистентлик пасайишининг сальмонеллалар кўзгатадиган касалликларнинг спорадикдан энзоотика ўтишида намоён бўлиши”.//“Ветеринария тиббиёти”, Тошкент, 2018, № 6, 14-18 бет.

2. М. Абдуллаев, Р.Ф.Рўзикулов, Р.Р.Мирсаидова. “Саноатлашган паррандачиликда атипик энзоотиялар муаммоси”.//“Ветеринария медицинаси”-Тошкент, 2020, № 3, 14-16 бет.

3. М. Абдуллаев, Р.Ф.Рўзикулов, Р.Р.Мирсаидова. “Саноатлашган паррандачиликда репродуктив органлар патологиясида аралаш инфекциялар муаммолари”.//“Ветеринария медицинаси”, Тошкент, 2020, № 6, 14-16 бет.

4. Рўзикулов Р.Ф., Мирсаидова Р.Р., Абдуллаев Ш. М. “Вакцинная функция патогенных бактерий организма кур, инактивированных антибиотиками в иммунопрофилактике сальмонеллэза в промышленном птицеводстве”. Материалы международной научно-практической конференции “Состояние разработки и производства биологических ветеринарных препаратов и возможности расширения их локализации”. г. Самарканд, СамИВМ. 9-10 сентябрь 2020 год.

5. Маланкина Е.Л. Тысячелистник обыкновенный. РГАУ-МСХА имени К.А Тимирязева. Greeninfo.ru. 2020.

6. Турова А.Д. Лекарственные растения СССР и их применение. Тысячелистник обыкновенный. Изд. “Медицина” Москва, 1967. ст. 422-424.

7. Холматов Х.Х., Ҳабибов З.Ҳ. Ўзбекистоннинг шифобахш ўсимликлари. Бўймодарон. “Медицина”, Тошкент, 1976. 22-24 бетлар.

8. Усманходжаев А. ва бошқалар. Ўзбекистонда ўсадиган шифобахш ўсимликларнинг этимологик замонавий энциклопедияси. Бош оғрик дори. “Янги аср авлоди”, Тошкент. 2018-йил 80-82 бетлар.

ҲИСОРИ ЗОТЛИ ҚЎЙЛАР ПОСТНАТАЛ ОНТОГЕНЕЗИДА МУСКУЛНИНГ АЙРИМ КИМЁВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Аннотация

Изучена динамика изменения относительное количество некоторых химических веществ в составе четырехглавой мышцы бедра в разные физиологические периоды постнатального онтогенеза овец гиссарской породы разных экологических условий. Наблюдается высшее количество кальция и фосфора в составе мышц в 18 месячном возрасте постнатального онтогенеза овец и понижение этого показателя в 36 и 60 месячном возрасте и они высшее у овец, выращенных на адекватных условиях, чем неадекватных.

Summary

The dynamics of changes in the relative amount of certain chemicals in the quadriceps femoris muscle in different physiological periods of postnatal ontogenesis of Hissar sheep in different environmental conditions have been studied. The highest amount of calcium and phosphorus in the composition of muscles is observed at the age of 18 months of postnatal ontogenesis of sheep and a decrease in this indicator - at the age of 36 and 60 months. These rates are higher in sheep raised in adequate conditions than in sheep raised in inadequate conditions.

Калит сўзлар: ҳисори қўйлар, постнатал онтогенез, адекват, ноадекват, мускул, ўсиш коэффициентлари, нисбий кўрсаткич, кимёвий таркиби, қул модда, кальций, фосфор.

Кириш. Қўйлар мускулларининг кимёвий таркиби бўйича маълумотлар [7] шуни кўрсатадики, гавда гўштида ёғ тўқимаси 20 % бўлганида, мускул ичи ёғ миқдори елканнинг кенг мускулида 5,8 %, бел мускулида 2,4 % ни, гавда гўштида у 26 % бўлганида юқоридаги мускуллардаги мускул ичи ёғ миқдори 8,9 ва 4,6 % ни, гавда гўштида 39 % бўлганида эса мос равишда, 8,7 ва 5,1 % ни ташкил этади.

Р.В.Тамбовцева томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, постнатал онтогенезда скелет мускулларининг ўсиши, ривожланиши ва хусусийлашиши мураккаб ташкилий жараён бўлиб, организм туғилганидан то жинсий етилишининг якунланиши ва тўлиқ вояга етиш давригача чўзилади. Муаллифнинг таъкидлашича, скелет мускулларининг шаклланиши ва тараққиёти гормонал тизим таъсири остида кечади [2].

Муаллифлар томонидан одам ва ҳайвонларнинг илгари аниқ бўлмаган индивидуал ривожланиш қонуниятлари аниқланган бўлиб, индивидуал тараққиёт 3 босқичдан иборат, яъни эмбрионал, постнатал ва етук даври. Улар талкин қилаётган қонуниятлардан бири – ривожланишнинг ҳар бир босқичида ҳужайраларнинг кимёвий таркиби, тўқима ва органларнинг морфологик, физиологик хусусиятлари бир-биридан фарқ қилади, шунингдек, ҳар бир босқичнинг ўзигагина хос биологик ритм мавжуд [3].

Муаллифларнинг таъкидлашларига кўра, жаҳон генотипида қўйларнинг 1300 дан ортиқ зотлари ва тип ичидаги зотлари ҳисобга олинган бўлиб, уларнинг аксарияти кўп асрлик табиий танланиш ҳамда чорвадорларнинг бир неча авлодларини мақсадли меҳнатлари натижасида яратилган ва жуда хилма-хил табиий-экологик шароитларда урчишти, инсонни қўйчиликнинг турли маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга мослашган. Ушбу зотларнинг кўпчилиги маҳаллий яшаш шароити билан биргаликда, экстремал шароитларда ҳам кўпайишга мосланувчанлик хусусиятига эга

ва улар кўп насл бериш, тез етилувчанлик, сутдорлик, гўштдорлик, тери ва жун бериш каби ажойиб белгиларни намоён қилади [5, 6].

Қўйлар организми моддалар ва энергия алмашинуви жадал кечиши билан тавсифланиб, шунинг учун ҳам 1 кг тирик вазни учун йирик шохли молларга нисбатан кўп озуқа моддаларини сарфлаши В.Г. Двашвилининг тадқиқотлари натижасида ўз ибтидои топан. Муаллифнинг таъкидлашича, энергетик ва оксил алмашинуви даражаси қўйларнинг ҳар хил йўналиши ва физиологик ҳолатига боғлиқ бўлиб, кўчқорчаларда урғочиларига нисбатан юқори ва ёш қўйларда озиқа ва озиқ моддаларнинг энергияси ёши катта ҳайвонларникига қараганда кўпроқ самарадорликка эга бўлади [1].

Текшириш усули ва материаллари. Тадқиқот ишлари Сурхондарё вилоятининг адекват – Бойсун тумани, “Бойсун теракли” фермер хўжалиги ҳамда ноадекват – Сарийосиё тумани, “Сурхон ҳисор қўйлари” фермер хўжалиги, Узун тумани “Д Рўзибадал Шохрух” фермер хўжаликларидаги ҳисори зотли қўйлар сонининг тўрт бошли мускуллари устида олиб борилди. Илмий текширишлар учун постнатал онтогенезнинг 3 кунлик, 3, 6, 12, 18, 36, 60 ойлик босқичларидаги ҳайвонлар орқа оёғи соннинг тўрт бошли мускуллари олинди.

Мускулнинг қул моддаси таркибидаги кальций ва фосфор элементларининг миқдорини аниқлаш учун тигеллардаги қул моддаси ступкага ўтказилиб, бир масса ҳосил бўлгунга қадар майдаланди. Аналитик тарозида 1 г қул моддасининг қолдиғи ўлчаб олинди. Олинган қул моддасининг қолдиғи ўша тигелнинг ўзида 10 мл 25% ли хлорид кислота эритмасида эритилди, бунда шиша таёқча билан узлуксиз аралаштириб турилди. Ҳосил бўлган эритма 250 мл ли идишга ўтказилди. Тигел бир неча бор дистилланган сув билан чайқатилиб, ўша қолбага солинди. Сўнгга қолбадаги эритманинг ҳажми дистилланган сув билан 250 мл га

етказилди ва эритма яхшилаб аралаштирилди. Эритма тиндирилгач, анализ қилинди.

Илмий текширишлар натижасида олинган барча рақамий маълумотлар Е.К.Меркурьева услуби бўйича математик ишловдан ўтказилди.

Мускулларнинг ёшига қараб ўзгариш динамикасини аниқлаш учун ўсиш коэффициенти К.Б.Свечин томонидан ишлаб чиқилган формула ёрдамида аниқланди.

Математик-статистик таҳлил Стьюдент ва Фишер мезонлари ёрдамида компьютернинг Microsoft Excel электрон жадвалида бажарилди.

Олинган натижалар ва унинг муҳокамаси. Адекват табиий шароитда парвариш қилинган ҳисори зотли қўйлар соннинг тўрт бошли мускули таркибидаги кул миқдори постнатал онтогенезнинг 3 кунлигидан $0,36 \pm 0,004$ г га тенг бўлиб, дастлабки 3 ойлигидан бошлаб босқичда тарзда ортиб бориши, яъни 3 ойликда $-0,38 \pm 0,005$ г ($K = 1,04$; $p < 0,02$) га, 6 ойликда $-0,40 \pm 0,004$ г ($K = 1,05$) га, 12 ойликда $-0,41 \pm 0,004$ г ($K = 0,02$; $p < 0,01$) га, 18 ойликда эса $0,43 \pm 0,004$ г ($K = 1,04$) га етиши қайд этилди. Мускулнинг ушбу кўрсаткичи 36 ва 60 ойлик қўйларда бошқа ёшдагиларга нисбатан бирмунча юқори бўлиши (мос равишда: $0,48 \pm 0,004$ г, $K = 1,12$; $0,49 \pm 0,005$ г, $K = 1,01$; $p < 0,01$) кузатилди. Мускул таркибидаги кул миқдорининг ўсиш коэффициенти ҳисори зотли постнатал ривожланишининг ўрганилган босқичлари мобайнида 1,36 мартани ташкил этди.

Тўрт бошли мускул таркибидаги кул миқдори ноадекват табиий шароитда парвариш қилинган ҳисори зотли қўйларда ҳам адекват шароитдаги ҳайвонларники каби ўзгариш динамикасини намоён қилиб, постнатал онтогенезнинг дастлабки кунидан 18 ойлик босқичига қадар деярли бир маромда ортиб бориши кузатилди. Кул миқдори 3 кунлик кўзиларда $0,37 \pm 0,004$ г га тенг бўлиб, у 3 ойликда $-0,38 \pm 0,005$ г ($K = 1,03$) ни, 6 ойликда $-0,41 \pm 0,004$ г ($K = 1,08$; $p < 0,01$) ни, 12 ойликда $-0,43 \pm 0,004$ г ($K = 1,04$) ни, 18 ойликда $-0,44 \pm 0,005$ г ($K = 1,02$; $p < 0,01$) ни ташкил этиши, 36 ойликда уни $0,47 \pm 0,005$ г ($K = 1,06$) гача, 60 ойликда $0,49 \pm 0,005$ г ($K = 1,05$; $p < 0,01$) гача кўтарилиши, постнатал онтогенезнинг 3 кунлигидан 60 ойлигига қадар унинг ўсиш коэффициенти 1,32 мартага етиши қайд этилди.

Соннинг тўрт бошли мускули таркибидаги кальций элементининг нисбий кўрсаткичи адекват шароитда парвариш қилинган ҳисори зотли қўйлар постнатал онтогенезининг дастлабки 3 кунлигидан 3 ойлигига қадар бирмунча жадал ортиб, $0,12 \pm 0,003$ % дан $0,16 \pm 0,003$ % ($p < 0,03$) га етиши ёки шу давр ичида ўсиш коэффициенти 1,33 мартага тенг бўлиши ва кейинги 6 ойликда уни бироз камайиши ($0,12 \pm 0,003$ %; $K = 0,87$) кузатилди. Мускулнинг ушбу кўрсаткичини постнатал ривожланишининг 12 ойлик босқичидан яна кўтарилиши ($16 \pm 0,004$ %, $K = 1,15$; $p < 0,03$) ва 18 ойликда бошқа ёшдагиларга нисбатан энг юқори ($0,21 \pm 0,004$ %, $K = 1,33$; $p <$

$0,02$) даражага етиши ҳамда 36 ойликдан 18 ойликдагига қараганда кескин пасайиши, яъни 36 ойликда $-0,16 \pm 0,002$ % ($K = 0,75$) ни, 60 ойликда $-0,14 \pm 0,002$ % ($K = 0,87$; $p < 0,04$) ни ташкил этиши аниқланди. Мускул таркибидаги кальцийнинг нисбий кўрсаткичини ўсиш коэффициенти қўйлар постнатал ривожланишининг 3 кунлигидан 60 ойлигига қадар бўлган давр мобайнида 1,18 мартага тенг бўлди.

Ноадекват табиий шароитда парвариш қилинган ҳисори зотли қўйлар мазкур мускулнинг таркибидаги кальцийнинг нисбий миқдори постнатал онтогенезнинг 3 кунлигидан 3 ойлигига қадар $0,11 \pm 0,003$ % дан $0,16 \pm 0,003$ % га ёки ўсиш коэффициенти 1,45 мартага ($p < 0,03$) ортиши, кейинги 6 ойликда мутлақо ўзгармасдан ($0,16 \pm 0,003$ %), 12 ойликда $0,13 \pm 0,004$ % га тушиши ($K = 0,82$), 18 ойликда эса адекват шароитдаги қўйларники сингари энг юқори даражага кўтарилиши ($0,17 \pm 0,003$ %, $K = 1,31$; $p < 0,02$) қайд этилди. Мускулнинг мазкур кўрсаткичи 36 ойлик қўйларда 18 ойликдагига нисбатан сезиларли пасайиб ($0,10 \pm 0,002$ %, $K = 0,58$; $p < 0,02$), 60 ойликларда уни деярли ўзгармасдан қолиши кузатилди.

Адекват табиий шароитда парвариш қилинган ҳисори зотли қўйлар тўрт бошли мускули таркибидаги фосфор элементининг нисбий миқдори постнатал ривожланишининг 3 кунлигидан 3 ойлигига қадар $0,12 \pm 0,002$ % дан $0,14 \pm 0,002$ % гача ёки ўсиш коэффициенти 1,16 мартагача ($p < 0,02$) ортиб, бу жараёни 18 ойликкача давом этиши, яъни 6 ойликда $-0,17 \pm 0,003$ % ($K = 1,18$; $p < 0,02$) ни, 12 ойликда $-0,16 \pm 0,002$ % ($K = 0,95$) ни, 18 ойликда эса энг юқори кўрсаткични ($0,20 \pm 0,002$ %, $K = 1,25$; $p < 0,02$) намоён қилиши аниқланди. Мускул таркибидаги фосфорнинг нисбий кўрсаткичи 36 ойлик қўйларда қуйи ёшдагига нисбатан сезиларли пасайиб ($16 \pm 0,003$ % $K = 0,78$), 60 ойликда уни мутлақо ўзгармаслиги қайд этилди. Мускулнинг ушбу кўрсаткичи ўсиш коэффициенти қўйлар постнатал онтогенезининг ўрганилган 3 кунлигидан 60 ойлигига қадар бўлган давр мобайнида 1,29 мартага тенг бўлиши кузатилди.

Соннинг тўрт бошли мускули таркибидаги фосфорнинг нисбий миқдори ноадекват табиий шароитда парвариш қилинган ҳисори зотли қўйлар постнатал онтогенезининг дастлабки 3 кунлигидан 3 ойлигига қадар $0,11 \pm 0,004$ % дан $0,14 \pm 0,004$ % гача, шу давр ичида ўсиш коэффициенти 1,30 мартагача ортиб, 6 ойликда бу кўрсаткич $0,16 \pm 0,003$ % ($K = 1,09$; $p < 0,03$) гача кўтарилгани ҳолда, 12 ойликда $0,13 \pm 0,002$ % ($K = 0,83$) гача пасайиши ва 18 ойликда ўрганилган барча ёшдагиларга нисбатан энг юқори даражага, яъни $0,17 \pm 0,003$ % ($K = 1,26$; $p < 0,02$) га етиши кузатилди. Мускулнинг ушбу кўрсаткичи адекват шароитдаги ҳайвонларникидан фаркли ўларок, 36 ойликдан пасайиб бориши, яъни 36 ойликда $-0,15 \pm 0,003$ % ($K = 0,88$) га, 60 ойликда эса $0,13 \pm 0,003$ % ($K = 0,86$; $p < 0,03$) га тушиши аниқланди. Мазкур мускул таркибидаги фос-

форнинг нисбий кўрсаткичини ўсиш коэффициенти қўйлар постнатал ривожланишининг 3 кунлигидан 60 ойлигига қадар бўлган давр ичида 1,16 мартани ташкил қилди.

Хулоса:

– ҳисори зотли қўйлар соннинг тўрт бошли мускули таркибидаги кул моддасининг миқдори постнатал онтогенезнинг дастлабки кунда бирмунча кам бўлиб, 18 ойликка қадар унинг босқичли тарзда кўтарилиб бориши ва 60 ойликда энг юқори кўрсаткични намоён қилиши кузатилди;

– ҳисори зотли қўйлар соннинг тўрт бошли мускули таркибидаги кальций ва фосфор миқдори постнатал онтогенезнинг 3 кунлигидан 3 ойлигига қадар яшаш шароитидан қатъий-назар жадал ортиши, 18 ойликда энг юқори кўрсаткични намоён қилиши, 36 ва 60 ойликда унинг сезиларли пасайиши аниқланди;

– соннинг тўрт бошли мускули таркибидаги кальций ва фосфор миқдори постнатал ривожланишнинг айниқса 18 ойлигидан кейин ноадекват табиий шароитда парвариш қилинган ҳисори зотли қўйларда адекват шароитдагиларга қараганда паст бўлиши қайд этилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Двалишвили В.Г. Корма и кормление / Производство и переработка баранины: Учеб. Пособие, 2003. - ФГОУ ВПО «Саратовский ГАУ», Саратов. - С.103-124.
2. Тамбовцева Р.В. Формирование мышечных волокон в постнатальном онтогенезе млекопитающих и человека // Физиология мышечной деятельности / Тез. докл. Междунар. конф. - М., 2000. - С. 146-147.
3. Тельцов Л.П., Романова Т.А., Добрынина И.В., Музыка И.Г., Николаев А.Д. Закономерности индивидуального развития человека и животных // Морфология. Т. 133. Вып. 2. Материалы докладов IX конгресса международной ассоциации морфологов: - Санкт-Петербург, 2008. - С. 132.
4. Узаков Я.М. Химический состав и биологическая ценность конины и баранины // Мясная индустрия, 2006. - № 9. - С. 52-55.
5. Ульянов А.Н., Куликова А.Я. К проблеме сохранения генофонда стад овец кубанского заводского типа породы линкольн // Овцы, козы, шерстяное дело. - 2016. - №1. - С. 17-20.
6. Ульянов А.Н., Куликова А.Я. Особенности племенной работы в генофондных и малочисленных стадах овец // Овцы, козы, шерстяное дело. - 2015. - №2. - С. 2-7.
7. Garcia P.T., Casal J.J., Pensel N.A., Morales D.A. Breed differences in lamb intramuscular fat distribution / 43th International Congress of Meat Science and Technology, 1997. - p. 286 - 287.

ИЛМ ИЗЛАГАН МАШАҚҚАТДАН ЧЎЧИМАЙДИ



Самарқанд ветеринария медицинаси институти сиртки бўлим 3-босқич талабаси Баходир Рафиқов Наманганнинг Чортоқ туманидан, ВСЭЛда етакчи мутахассис. Унинг бу сафар ўқишга келиши бироз ноанъанавий бўлди. Баходир 700 кмдан ортиқроқ масофани поездда ёки таксида эмас, балки велосипедда босиб ўтди. У сафар тассуротлари ҳақида шундай деди:

– Бу қахрамонлик эмас, шунчаки ўзимни, иродамни ва оёқларим кучини синаб кўрмоқчи бўлдим. Ота-онамнинг дуосини олиб, 1 апрель кун тонг саҳарда йўлга чиқдим. Йўл бўйи улар менга вақти-вақти билан кўнғироқ қилиб, дам олиш лозимлиги, овқатланиш кераклигини эслатиб туришди. Йўлда турли кишилар билан суҳбатлашдим, ҳаёт ҳақидаги қарашларим анча ўзгарди. Жиззахда янги оила кураётган келин-куёвлар билан суратга тушдим.

Уловимга юртимиз байроғини ўрнатганман. Велосипедим шундай жиҳозлаганманки, қанча тезликда кетаётганимни, қанча йўл ортада қолганини кўрсатиб туради. Велосипедга мотор ўрнатишни тақлиф қилганлар ҳам бўлди, унда ўзимнинг иродамни синаб кўришдан воз кечишимга тўғри келарди, шу боис рози бўлмадим. Ҳаммаси табиий ва рисоладагидек бўлиши керак эди. Илгари велоспорт билан шуғулланмаганман, лекин ора-чорада ҳайдаб турардим. Бу саломатликни мустаҳкамлаш, мушаклар ва ортиқча вазндан қутилиш учун яхши восита деб эшитганман. Менда кўриб турганингиздек, ортиқча вазн муаммоси йўқ, лекин 44 ёшга кирганимни ҳисобга оладиган бўлсак, тенгдошларимнинг кўпчилигида семизлик энг катта муаммо. (Кулади).

Албатта, осон эмас, илик узилди пайти (баҳорда шундай ҳолат кузатилади, инсон организми чарчаган палла) тез ҳаракат қилиб юборсанг, силланг қуриб қолиши мумкин. Шунинг учун йўлда бир маромда, ўртача тезликда кетишга ҳаракат қилдим. Ёлғизлик бироз сезилди, аммо йўлда учраган одамлар билан гаплашиб турдим.

3 кунда манзилга етдим. Қўхна ва қадим шаҳарнинг ҳавоси, курсдошларим ва устозларимнинг дийдори йўл машаққатларини ювиб юборди, соғ-саломатман, бардамман! Бир неча кун дам олгач, кеча яна уловимда Ҳазрати Довуд зиёратгоҳига бордим. Аллоҳга беадад шукрлар бўлсин.

Йилда икки марта келиб, кадрдон даргоҳда ўқиймиз. Устозларим Низом Фармонов ва Раҳматулла Рўзикулов сингари барча профессор-ўқитувчиларга раҳмат. Улар 3 йил давомида бизга фаолиятимизнинг энг нозик сирларини ўргатишди, сездимки, илмда гап кўп экан. Англаганим шу бўлдики, олий маълумотли бўлишга интилиш ҳеч қачон кеч эмас!

Машаққатлар эса инсонни тоблайди...



Гулчехра Бердигорова ёзиб олди.

АЧЧИҚ СЎЗЛИ, АММО АДОЛАТЛИ ОЛИМ ЭДИ



Танқид – келажакнинг меваси. Бу нақадар оқилона, одилона гап бўлмасин, танқидни ҳазм қилиш қийин, жуда қийин. Тўғри гап баъзан туққанингга, баъзан амалдорлару илм аҳлига ҳам ёқмаслиги тайин. Аслида эса илмий изланишлар силсиласи, ихтиролар пайдо бўлиши хато қилишдан чўчимаслик, сабр-матонат, баъзан танқидларни “ютиш” натижасида дунёга келади. Биз орадан вақт ўтгач, танқиднинг мевасини кўрамиз, тўғри гапни айтган, ҳаммамизни ҳушёрликка ундаган инсондан миннатдор бўламиз ҳам.

Илмий ишлари дунёда тилга тушган, бир қанча чет эл илмий даргоҳлари томонидан эътироф этилган ветеринария фанлари доктори, таниқли олим, ветеринария илмий-тадқиқот институти лаборатория мудир Ахрор Рўзимуродов бугун орамизда йўқ. Шафқатсиз ўлим уни 84 ёшида олиб кетди. У ҳаётининг охириг кунларига қадар ўзи севган соҳага фидойи бўлиб яшади, юзлаб шогирдларини ўзи сингари тўғри сўзли бўлишга ундади. Кўчирмакашлик, илмий изланишларни чала қилиш, кимнингдир меҳнатига шерик бўлиш. Бу иллатлар унга мутлақо ёт эди. Илмдаги сохталikka у ашаддий душман эди. Кимнингдир илмий натижаларини ўзиники қилиб ўзлаштириб олишга уринган сохта олимларни аёвсиз танқид қилар, ҳеч тап тортмай “бундай қилгандан кўра, соҳани ифлос оёқларинг билан булғалама”, дерди. Инглиз ва рус тилларини пухта билган, дунёдаги таниқли олимлар билан узвий алоқада бўлган аллома учун китоб ўқиш, ўқиганларини ҳар томонлама таҳлил қилиш кундалик одат эди.

Ахрор Рўзимуродов 1967 йил К. Скрябин номидаги Бутуниттифок гелминтология илмий-тадқиқот институтида номзодлик диссертациясини, 1981 йил Москва ветеринария академиясида докторлик диссертациясини дунёга машҳур олимлар, академиклар гувоҳлигида ҳимоя қилган эди. Таниқли олим ўзи севган, қадрлаган соҳада ўзига хос мактаб яратди, 15 дан ортик фан докторлари, номзодларининг ишларига илмий раҳбарлик қилди, 263та илмий-амалий, илмий- оммабоп асарлар чоп эттирди. Ахрор Рўзимуродов илм соҳасида бошқаларга ҳам, ўзига ҳам ўта талабчан инсон эди. Ҳар бир илмий мақола ё изланишлар қўлёзмасини синчиклаб ўқиб чиқар, дангасалик билан хатога йўл қўйган ё эътиборсизлик билан нотўғри хулоса чиқарган шогирдини аяб ўтирмасди. Шу боис унинг иштирокидаги илмий анжуманлар баҳс-мунозарага бой бўлар, илмий мақолалар янада “пишиб” борарди.

Ахрор Рўзимуродов ўтмишга айланди, аммо унинг илмий бетгачопарлиги, инсон руҳияти билан боғлиқ хатоларга мурасасиз эканлиги яна кўп йиллар такрор ва такрор айтилади. Илмий анжуманларда унинг кескир мулоҳазаларига эҳтиёж сезилади ҳам. Бу бор гап, аммо ўлим ҳақ. Шу боис айни чоғда марҳумни Аллоҳ ўз раҳматига олсин, охираглари обод бўлсин, деймиз. У бошлаб берган тадқиқотлар эса албатта давом этади. Чунки унинг танбехларидан тобланган, куч олган иқтидорли шогирдлари жуда кўп, улар китобларга, илмий қўлёзмаларга жо бўлган олимнинг ушалмай қолган орзуларини албатта рўёбга чиқаради.

Тахририят

ШОГИРДЛАРИГА ЎРНАК ИНСОН

Табрик



Ҳар йили 11 май куни ҳамкасбимиз, Боёвут туман ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази сералогия ва биохимия бўлими мудир Рустам ака Аширалиевни туғилган куни билан чин юракдан қутлар, унга эгу тилакларимизни айтардик. У ҳам ўз навбатида бир пиёла чойга келинлар, янгангиз ошни боппайди, дерди самимий оҳангда.

Бу йил Рустам аканинг таваллуд куни янада катта бўлди. Чунки акаимиз 60 ёшни қаршилади. Самимий қутладик, соғ бўлинг, омон бўлинг, узок йиллар фарзандлару набираларга, оқибатли шогирдларга бош бўлиб юринг, дедик. Аслида ветврач учун 60 ёш қарилкдан дарак эмас. У шу ёшда яна ғайратли, шижоатли ва энг муҳими маҳоратли бўлади.

Не ажабки, ҳамкасб акаимизнинг меҳнат дафтарчасида бир неча ёзув бор, холос. У 1982 йил Ленинград ветеринария институтини тугатгач, ҳеч иккиланмай ўзи туғилиб ўсган гўшага қайтди. Дастлаб туман ветеринария бўлимида, сўнг иккита колхозда бош ветврачлик қилди, ветеринария бўлими ва ташхис марказида масъул лавозимларда ишлади. Қарийб 40 йиллик меҳнат фаолияти давомида минглаб дўстлару шогирдлар орттирди, ҳамкасбларининг энг яқин кўмакчиси сифатида хурмат топди. Айниқса, уни ёшлар меҳрибон устоз сифатида эъзозлашади.

Ўтган йиллар ичида Яратганнинг инояти ила Рустам ака янгамиз билан 5 нафар фарзандни уйли-жойли қилишди, шу тариқа 13 нафар набираларнинг севимли бобосига айланди. Аширалиевлар орасида ким Рустам акадек фидойи ветврач бўлади, бунини вақт кўрсатади. Айни чоғда эса Рустам ака сафимизда, топшириқларни ҳам, зиммасидаги масъулиятли вазифани ҳам дўндириб бажариб келмоқда. Шу боис таваллуд куни унга яна бир қарра раҳматлар айтдик.

Баҳром Шер назаров,

Сирдарё вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи

ТОЛИБ ПАРДАЕВИЧ 60 ЁШДА

Яккабоғлик тажрибали ветврач Толиб Ваҳобовнинг туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимида меҳнат қилаётганига ўн йилдан ошди, ўзи эса 60 ёшни қаршилаган бўлса-да йигитлардек бардам. Чунки касбни яхши кўради, шу йиллар ичида тумандаги ҳар бир қишлоқ, ҳар бир ветучастқадаги ҳолатни яхши ўрганди, юзлаб шогирдлар орттирди.

– Вақт шу қадар тез ўтяптики, худди тезювар поезга ўхшайди. Фақат кимгадир ёрдамнинг теккан ё яхшилиқ қилган бўлсанг, ўшалар раҳмат айтганда, хурмат билан тилга олганда кўнгил яйрайди холос, – дейди Толиб Пардаевич. – Ветврач дегани табиатан камтар инсон, кўпчилиги улфатчилиқни яхши кўради, бирор иш буюрсангиз оғринмайди ҳам. Фақат уларни уришмаслик, аввал мактаб, сўнг хизмат айтишингиз керак. Баъзан тун ярмида, баъзан тўйда ўтирганда ё ўлгудай чарчаганда қақриб қолишса, э, тўхтаб тур, кейин борарман демайдиган киши ҳам ветврач бўлади. Ахир унинг хизматию кўмагига мухтож бўлган жонивор оғир аҳволда бўлиши мумкин. Кечиксанг, вақт бой берилса, чорва ўлиб қолиши, шу тариқа сени ҳеч ким сўрамай қўйиши мумкин. Билимдонлик, ширинсўзлик билан элнинг чорвасини даволаш, муаммога зудлик билан чора топиш мутахассис учун жуда муҳимдир. Биз ана шундай меҳнат қилиб, қадр топпамиз.



Ўбайдулла Пир назаров

Мутахассислар малакаси оширилмоқда

Республика ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳафсизлиги Давлат маркази директори Баҳриддин Тангайриков ташаббуси билан ҳар ой марказ тизимидаги мутахассислар малакасини ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туман ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳафсизлиги Давлат марказлари мутахассис ходимларининг малакасини ошириш, лаборатория иш фаолияти, касалликларга ташхис қўйишнинг асосий ва замонавий усуллари, меъёри ва лабораторияда юритиладиган ҳужжатлар билан ишлаши буйича) махсус ўқув машғулотлари ташкил этилмоқда. Шу тариқа ветеринария мутахассислари марказда бўлиб, замонавий асбоб-ускуналар билан танашган ҳолда



бактериологик ва серологик касалликлар буйича билим ва малакаларини оширишга эришмоқда.

Ўқув машғулотлари марказнинг

бактериология, серология ва биокиме лабораторияларида тажрибали мутахассислар кузатувида ўтказилмоқда. Тингловчилар машғулотлар давомида бактериологик касалликларга микроскопик, озиқ-овқатда экиш, яхши култура олиш ва турли бўёқлар ёрдамида бўёш орқали бактерияларни



идентификация қилиш, ҳайвонларга биосиноз қўйиш, серология усулларда тезкор ташхис қўйиш усулларини урганмоқда.

Ўз марта эшитгандан бир марта курган афзал, деганларидек, машғулот қатнашчилари курганларини ўз қўллари билан бажаришди. Шунингдек, меъёрий ҳужжатлар ва улар билан ишлашга оид йуриқномалар, тавсияларга ҳам тингловчилар эътибори қартилмоқда. Чунки иш жараёнида хатога йўл қўймаслик учун қарақли йуриқномаларга сузсиз амал қилиш жуда муҳимдир. Ҳар гал курс якунида марказ раҳбари Баҳриддин Тангайриков амалий машғулотларни утаган тингловчиларга махсус сертификатлар топшириб, уларга оқ йўл тиламоқда. Бу савъ-ҳаракатлар албатта келгусида ветеринария тизимидаги ташхислаш жараёنлари янада самарали бўтишига хизमत қилади.

Навоий вилояти, Хатирчи тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Шокир Тураевнинг таъкидлашича, туманда ўз касбининг билимдонлиги бўлган ветеринария мутахассислари ҳўп. Уларнинг савъ-ҳаракати билан чорва бош соғи кўпаймоқда, сиғир ва гўнажинларни сунъий уруғлантириш натижасида соғлом, бақувват буёқлар дунёга келмоқда. Тумандаги ҳар бир ветеринария участкаси замонавий ветеринария асбоб-ускуналари билан жиҳозланган, шу мақсадлар учун туман ҳокимиянинг қўмағи билан қарақли маблағлар йўналтирилди. Шунингдек, бўлим бошлиғининг ташаббуси билан устоз-шогирд тамойилига асосида мутахассислар малакаси ошириб боришмоқда, маҳалла феоллари, участка мутахассислари, чорвадорлар иштирокида ҳафли касалликларнинг олдини олиш буйича тез-тез кургазмали ўқув семинарлари ўтказилмоқда. Масалан, яқинда "Худойшўкуров Иброҳим чорвадор" фермер хўжалигида Крим-конго геморрагик иситма касаллиги буйича ўқув-амалий семинар ўтказилди.



Унда хатирчилик ёш мутахассислар феоли иштирок этишди. Яна бир янгиллик Қосим Раҳматов номли ветучастка мудири Улутбек Жобиров ҳамкасби Бағдулла Шамсиев билан ўтган йил "Орзу" фермер хўжалиғи фермасидаги сиғирларни сунъий уруғлантирган эди. Яқинда ана шу сиғирлардан бири уч бош соғлом буёқ туғди.

– Туман ветеринариянинг қатнаси Шокир Тураев зур мутахассисларни жўнатмаган, сунъий уруғлантирсангиз молнинг элизи туғади, деганди. Ростки бу гапларга ўшанда ишонмайдим. Бирин-кетин буёқлар туғилган, юрағим ҳаприқиб кетди. Отасига раҳмат, буёқлар ўзини тутиб олсин муқофот ҳам, зиёфат ҳам тайин, – дейди ҳаёжонини яширмай фермер Носир Уринов.

– Участка мудири Муроджон Бабаёров ва унинг ҳамкасби Ғупомжон Қўбиловдан миннатдорман. Чунки уларнинг билимдонлиги туфайли сиғирим элизи туғди, икки эмас, уч бош. Қўйилмасиз? Мен ҳам ҳайратдаман, кузларимга ишонмайдим. Дарров исмириқ тутатдим, куз тепиб қолгани мўмкин-да. Ахир Эшмурод Абдиев номли ҳудудда қопхўз замонида ҳам фермерликка утилгандан сўнг ҳам бундай янгиллик бўлмаган. Яратганининг ижояти, ветеринария осеминаторнинг ҳиммати бу, – дейди сиғири уч бош буёқ туғдан хонадон соҳиби Омон Раҳмонов.

Хуллас, Хатирчида дув-дув гап. Ҳозирча икки ҳудудда уч бошдан буёқлар туғилди. Йил якунига қадар элизи туладиган сиғирлар соғи янада ортади. Бўнинг ҳосияти шундайки, хатирчилик ветеринарлар ҳар бир ишни бошлашдан олдин Аллоҳдан мадад сурайди, зағулиқни кузлаб ишга киришади. Ана шу одат уларга қўвончли омад келтирмоқда.

